

Ватан
равнақи учун
ҳар биримиз
масъулмиз.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 14-aprel, shanba № 30 (8471)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

“АНГРЕН” МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИНИ БАРПО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек, Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимли-

гининг Тошкент вилоятида “Ангрен” махсус индустриал зонасини (кейинги ўринларда — “Ангрен” МИЗ деб юритилади) 1-иловага мувофиқ ҳудудлар чегаралари доирасида барпо этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси “Ергеодез кадастр” давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда “Ангрен” махсус индустриал зонаси таркибига киритиладиган ер майдонларининг чегараларини аниқ белгиласин ва ерларнинг тегишли равишда ажратилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, “Ангрен” махсус индустриал зонаси таркибига кири-

тилган ер майдонлари Тошкент вилояти ҳокимлигининг бевосита тасарруфида бўлади.

2. Куйидагилар “Ангрен” махсус индустриал зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун инвестициялар, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасида қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

махсус индустриал зона-

га кирувчи минтақанинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-хомашё ресурсларини янада чуқуროқ қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

махсус индустриал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хомашё ва материаллар неғизда юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ри-

вожлантириш ҳамда самарали фойдаланиш, “Ангрен” логистика маркази салоҳиятини, юкларни автомобиль ва контейнерларда ташиш борасида яратилган тизимни янада ривожлантириш ҳамда улардан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки: “Ангрен” махсус индустриал зонасининг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

“Ангрен” МИЗ фаолият юритиладиган муддат мобайнида унинг ҳудудида махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилади;

(Давоми 2-бетда.)



БИТИРУВЧИЛАРНИНГ ИШИ ТАЙИН

Фаргона вилоятида ёшларни, жумладан, касб-хунар коллежи битирувчиларини иш таъминлаш борасида изчил саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда.

Буни салоҳиятли кадрлар тайёрлашда етакчи Бағдод педагогика коллежи мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу таълим масканини жорий йилда 531 нафар ўқувчи тамомлайди. Коллежда мактабгача ва оилавий таълим, бошланғич таълим, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси,

жисмоний тарбия ва болалар спортини йўналишлари бўйича бир минг уч юздан зиёд ўғил-қиз таълим олмоқда.

Таъкидлаш жоизки, коллежда таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш, янги илғор педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш, малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида аниқ вазифалар белгиланган. Фан ва спорт тўғрисидаги ташкил этилган, ўқув, лаборатория хоналари, спорт зали замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Ўқув-

чилар турар жойида ҳам барча шароитлар мавжуд.

Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича Бағдод, Риштон, Бувайда ва Учқўприк туманлари халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасалари билан шартномалар имзоланган ва ўқувчиларнинг жойлардаги амалиёти кенг йўлга қўйилган.

Суратда: Бағдод педагогика коллежи.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

ФОЛИБЛАР НАВОИЙДА УЧРАШАДИ

Аввал хабар қилганимиздек, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги “Умид ниҳоллари — 2012” спорт мусобақаларининг бешинчи саралаш босқичлари уюшқоқлик билан ўтказилди. Спортнинг тўрт тури: футбол, волейбол, баскетбол ва қўлтўпи бўйича Навоий шаҳрига йўлланма олган вилоят терма жамоалари аниқланди.

Самарқанд олимпия захиралари тайёрлаш марказида «Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақасининг ўғил болалар ва қизлар ўртасида ҳудудий саралаш босқичи бўлиб ўтди. Навоий, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари ўқувчи-ёшлари иштирок этган баҳслар қизгин курашларга бой бўлди.

Навоийлик ҳамда қашқадарёлик ўғил ва қизлар ўртасида кечган волейбол, баскетбол, қўлтўпи учрашувларининг барчасида навоийликларнинг қўли баланд келди. Футболда ҳам Навоий вилояти ёш футболчилари қашқадарёлик тенгдошларини 2:1 ҳисобида енгиди.

(Давоми 15-бетда.)



ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

ЎҚИТУВЧИ — РЕЖИССЁР

ўқувчи ўзлаштирадиган
билим, кўникма ва малака
унинг ўз дарсини қанчалик
мукаммал ташкил этганига боғлиқ

3-бет

ЎҚУВЧИ ТАНЛОВИ

ёхуд ота-она орзуси ва
бола имкониятлари,
қизиқишлари ўртасидаги
мутаносибликни қандай
таъминлаш хусусида

5-бет

«Н» VA «Х»

IMLOSI
ikki tovushni
farqlashning oson va
samarali yo'llari

6-бет

«БУВИЖОНЛАР МАКТАБИ» — ҚАДРИЯТЛАР КЎПРИГИ

8—9-бетлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

"АНГРЕН" МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИНИ БАРПО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

"Ангрен" МИЗ қатнашчиси мақоми "Ангрен" махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг қарори билан берилди.

4. "Ангрен" махсус индустриал зонасининг Маъмурий кенгаши 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил қилинсин.

"Ангрен" махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблансин:

корхоналарга "Ангрен" МИЗ қатнашчиси мақоми бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

"Ангрен" МИЗда лойиҳаларни амалга ошириш учун масъул бўлган вазирликлар ва идораларнинг, ҳўжалик бирлашмаларининг лойиҳа, тендер ва контракт ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаш ҳамда уларнинг экспертизасини ўтказиш бора-сидаги ишларини, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг "Ангрен" МИЗ фаолияти билан боғлиқ масалалардаги ишларини мувофиқлаштириш;

ишламаётган корхоналарни ва давлат эгалигидаги мол-мулкни "Ангрен" МИЗ қатнаш-

чиларига нолга тенг харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

"Ангрен" МИЗнинг самарали фаолият юритишини ташкил қилиш, "Ангрен" МИЗ Дирекциясини шакллантириш ва унинг фаолияти устидан назорат олиб бориш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. "Ангрен" махсус индустриал зонаси қатнашчилари:

юридик шахслардан олинган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида "Ангрен" МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб қилинадиган ускуналар, бўғловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатиб ўтилган им-

тиёзлар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатга бериллади, шу жумладан эквиваленти:

300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларида 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларида 100 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 7 йил муддатга берилди.

6. Тошкент вилояти ҳокимлиги "Ангрен" махсус индустриал зонасининг Маъмурий кенгаши қарорлари бўйича белгиланган тартибда "Ангрен" МИЗда лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун қуйидагиларни таъминласин: биринчи навбатда собик саноат зоналарининг фойдаланилмаётган ҳудудларида корхоналар қуриш учун ер майдонларини ўз вақтида ажратсин;

муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига улашниш учун барча зарур рухсатномаларни "бир дарча" таъминли асосида бериш.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ "Ангрен" МИЗда қатнашувчи ҳўжалик

юритувчи субъектлар учун "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзтрансгаз" АК, Тошкент вилояти ҳокимлиги бўлиналари ва бошқа муҳандислик-коммуникация хизматларини етказиб берувчилар коммуникацияларини ишлаб чиқариш майдончаларига туташтирган ҳолда кафолатли улашнишни таъминладилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзтрансгаз" АК, "Ўзавтотўл" АК, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК, "Ўзкоммунизмат" агентлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда "Ангрен" махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси

си Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда "Ангрен" МИЗ Дирекциясини ташкил этсин ва "Ангрен" махсус индустриал зонаси фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин, унда "Ангрен" махсус индустриал зонаси тўғрисидаги Низом ҳамда "Ангрен" махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгаши ҳақидаги Низомни тасдиқлаш назарда тутилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Таъки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 13 апрель

«ЎЗ БИЗНЕСИНГНИ ЯРАТ»

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларида кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikка йўналтирилган билим ва кўникмаларини янада ривожлантириш тўғрисида»ги буйруғи асосида олий таълим муассасаларида ўқув семинар-тренинглари ўтказилмоқда. Унга ижтимоий-иқтисодий йўналишлар бўйича кафедра мудири ҳамда профессор-ўқитувчиларни жалб этган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг «Тadbirkorlik ва бизнес асослари» фанидан дарс берувчи ўқитувчиларга янги ташкил этилаётган «Ўз бизнесингни ярат» номи курсини ўқитиш бўйича тавсиялар берилиши кўзда тутилган.

Семинар Тошкент автомобиль ва йўллар институтида ҳам қизғин руҳда ташкил этилиб, унда институт билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётган барча ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари, жумладан, Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлашган 32та касб-хунар коллежлари, шунингдек, Пахтачи тумани автомобил ва йўллар касб-хунар коллежи, Нишон транспорт ва сервис касб-хунар коллежи, Ховос транспорт касб-хунар коллежи ва Бухоро автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежидан жами 178 нафар вакиллар иштирок этди. Эътиборлиси, анжуманда нафақат олий ўқув юртлирининг профессор-ўқитувчилари, балки солиқ ва ҳуқуқ ташкилотлари вакиллари ҳам маърузалар ўқиб, мавзунинг кенг очиб берилишини таъминлади.

— Бизга бириктирилган касб-хунар коллежлари билан ўқув ва илмий базани ривожлантириш, турдош йўналиш ва мутахассисликлар учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва услубий махмуаларни, виртуал лабораторияларни яратиш каби қўллаб-йўлашларда ҳамкорлик қиламиз. Бугунги семинар ҳамкорлигининг навбатдаги босқичи

бўлиб, унинг ташкил этилишидан қўзланган асосий мақсад касб-хунар коллежи битирувчиларининг кичик тadbirkorlik субъектларини ташкил этишига қўмаклашишдан иборат, — деди Тошкент автомобиль ва йўллар институти академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори Носирхон Акбаров. — Бугун пухта билим ва кўникмага эга, малакасини оширган ўқитувчилар ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида махсус курслар ташкил этиб, ўқувчиларни бизнес режа тузиш, тadbirkorlik фаолиятини юритишнинг молиявий манбалари, тadbirkorlik субъектларида бухгалтерия ҳисобини юритиш, солиққа оид мажбуриятлар билан яқиндан таништирилади, тушунчалар беради.

Таъкидлаш ўринлики, ўқувчиларни кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikка йўналтириш янги иш ўринларининг яратилишига хизмат қилади.

— Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ривожини катта ҳисса қўшади, шунингдек, ёшларнинг иш билан бандлиги бўйича ҳам кўрсаткичларни оширади. Шу жиҳатдан бугунги семинар-тренинг барча учун аҳамиятли бўлди, — деди тингловчилардан бири, Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи иқтисодиёт кафедраси мудири Қодир Турғунов. — Мухими, биз ўқувчиларни тadbirkorlikка йўналтириш юзасидан йўл-йўриқлар олдик, билимларимизни бойитдик. Келажакда ўқув семинарда эгалаган тушунчаларни етказиш баробарида ўқув масканларида банк, молия, солиқ ва ҳуқуқ ташкилотлари вакиллари, тadbirkorlik билан учрашувлар ўтказиб, ўқувчиларнинг соҳага оид билим ва кўникмаларини ошириш ниятида-миз.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

Бугунги кунда дунё тарихи ва давлатчилигида муҳим ўрин эгаллаган соҳибқирон Амир Темурнинг бой маънавий меросини чуқур ўрганишга, ҳалқимизнинг ўтмиш тарихига ёшларимизнинг қизиқиши кучайиб бормоқда.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети тарих факультети иқтидорли талабалари томонидан ташкил этилган «Амир Темур — фахримиз, ғуруримиз» мавзусидаги анжуманда бунга яна бир бор ғувоҳ бўлдик. Анжуманнинг асосий мақсади, Амир Темурнинг ҳалқимиз даҳосининг тинчлиги, маънавий қудратимиз рамзи эканлигини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишдан иборат.

Анжумани университетнинг академик лицей ва касб-хунар коллежлари бўйича проректори А.Умаров очиб, буюк аждодларимиз меросини ўрганишга бағишланган бундай тadbirkorlikнинг аҳамияти

АМИР ТЕМУР — ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

ҳақида гапириб ўтди ва талабаларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Тadbirkorlik талабаларнинг ташаббуси ва улар томонидан тайёрланган Амир Темурнинг ҳарбий салоҳияти ва бой илмий меросига оид тарихий материаллар асосида ташкил этилганлиги билан ҳам аҳамиятли бўлди. Талабалар томонидан буюк соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар инглиз, француз, немис ва рус тилида баён этилиши анжуман иштирокчиларининг қизиқишларини оширди.

Анжуман сўнггида фаол иштирок этган талабалар «Энг фаол ташкилотчи», «Энг билимдон талаба», «Энг масъулиятли талаба», «Нотиклик маҳорати кучли талаба» каби номинациялар бўйича фахрий ёрлик билан тақдирландилар.

Султонхўжа ОРИПХЎЖАЕВ,
факультет ўқитувчиси



Томчиларни назарга иллаганимиз боис, дарёларни исроф қилмайсиз. Аввал битта чок сўкилади, кейин иккинчиси, учинчиси... Таълим-тарбия жараёнида ҳам шундай. Кейсидир ўқувчидаги ўзгаришга, дарс асносидаги айрим «икир-чикир»ларга кўпда эътибор қилавермаймиз. Ўқувчимиз бизни эшитаяптими-йўқми, гапларимизни тушунаптими-йўқми — ҳеч нимага парво қилмай, маъруза ўқишда давом этаверамиз. Кимдир дарсга кечикиб кириши, бошқаси эса умуман қирмай кўя қолиши ҳам бизни хавотирга солмайди гоҳида. Уй вазифаларини бажармай келган айрим ўқувчиларимизнинг эса «бўлгани шу». Аслида-чи, таълим-тарбияда арзимас жиҳат борми, ўзи?.. Айни мавзу юзасидан Юнусобод туманидаги 105-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Барно Султонбой қизининг шахсий тажрибалари, қизиқарли таклиф ва тавсияларини ҳавола этмоқдамиз.

ДАРСНИ ҚАНДАЙ БОШЛАЙСИЗ?

Дарснинг сермазмун ва сермахсуллиги кўп жиҳатдан ташкилий қисмга боғлиқ. Ўқитувчи дарс аввалида ўқувчиларни руҳан тайёрлай билса, янги мавзунинг мақсад ва вазифаларини тўғри аниқлай олишлари, мавзунини чуқур тушуниб, мустахкам ёдда сақлашлари ва имиж яратди. Уларда қизиқиш ва ижобий муносабатни уйғотмай

ЯЛҚОВ БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАН!

Ўқувчининг жисмоний, интеллектуал ривожланишига тўсқинлик қилувчи иллатлардан бири данга-салиқдир. Бухнинг олди олинмаса, бола бефарқ ва лоқайд одамга айланиши турган гап. Айтишган-ку, «Ўз иқтидори билан туғилмаган бола ҳали дунёга келгани йўқ». Ялқовлик ва лоқайдлик эса мана шу қобилиятнинг сўнишига олиб кела-

вақтнинг ўзиде тергасам, биринчидан вақт йўқотилади, иккинчидан ўқувчилар дарсдан чалғийди. Кечиккан ўқувчини тенгдошлари орасида ҳам ноқулай аҳволга солиб қўйишим мумкин. Қолверса, жиддий чоралар кўрсам, кейинчалик бирор сабаб билан вақтида етиб келолмаганлар ҳам дарсга умуман қирмай қўйиш эҳтимоли бор. Дарс тугагач, кеч қолган ўқувчи билан индивидуал тарзда кечикиш сабабини суриштириб, тегишли тушунтиришлар олиб бораман. Уни синфдошлари олдида изза қилмаганимни англаб етгач, ўқитувчига ҳурмати ортида, бошқа кеч қолмасликка ҳаракат қилади.

Кечикишдан ташқари, дарсда бошқа иш билан машғул бўлиш, синф хонасига кимнингдир кириши каби ўқувчилар диққатини бўлувчи нарсаларга йўл қўймаслигимиз даркор.

ОСОНИ ЗЕРИҚТИРАДИ, ҚИЙНИ ЗЎРИҚТИРАДИ

Табиий фанлар ўқувчилар учун ҳамиша қизиқарли бўлган. Агар

Tajriba, sinov, natija

ғачалари ва қўш патларидан санитария-гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда ижодий ишлар тайёрлашни топширсак бўлади.

ДАВОМАТ ВА ЎҚИТУВЧИ КАТЪИЯТИ

Музаффар доимо синфда энг билимдон ўқувчи бўлишга интиларди. Берилган топшириқларни ҳаммадан биринчи бўлиб бажариш учун ўртоқлари билан мусобақалашар, тенгдошларига билмаганларини ўргатиш унга завқ берар эди. Уйга вазифаларни кўнт билан тайёрлаб келарди. Аммо бир неча кунлик оилавий саёҳатлари сабабли, изма-из дарс қолдиришга тўғри келди. Дарсга қатнай бошлаганида эса аксар тенгдошларидан ортада қолгани дарҳол сезилди. Чунки у бир неча янги мавзулардан беҳабар қолганди, ўқитувчининг баъзи саволлари ҳам Музаффарга нотаниш туюлди. Ҳамиша фаолликка одатланганидан бошқа фанлардан ҳам оқсатгани уни қаттиқ асабийлаштирарди. Ягона чора — ўтилган мавзуларни мустақил ўзлаштириши, ўқитувчининг бўш вақтини топиб, билмаганларини сўраб олиши зарур. Бу эса ундан катта куч, сабот ва вақт талаб қилади...

Ўқувчиларнинг дарсларга тўлиқ қатнашишини таъминлаш нафақат ўқитувчининг, балки ота-она, мактаб ҳамда маҳалланинг зиммасидаги долзарб вазифадир. Боланинг бугун нима сабабдан мактабга келмаганини аниқлаш ва ўз вақтида ота-онасини хабардор қилиш лозим. Мен дарсга қирмаган ўқувчининг уйга дарҳол кўнгирок қилиб, сўраб-суриштирмаман. Кўпинча улар «Болам мактабга кетаялман деб сумкасини кўтариб чиқиб кетганди-ку?» дея ажабланади. Табиийки, ўқувчи аниқ сабабларга кўра, олайлик, касал бўлгани учун баъзан дарсга қатнашолмаслиги ҳам мумкин. Шундай вазиятларда тенгдошлари орқали ёки эртасига дарсдан сўнг янги мавзунини бериб юбораман. Ачинарлиси, бола айрим ҳолларда ота-онанинг айби билан мактабга келолмайди. Мисол учун, бирор сабаб билан бозорга жўнатди ёки қалит йўқлигини баҳона қилиб, боласини уйда қолдирганини айтади... Шундай пайтларда ота-оналарга тушунтирмаман: «Бир марта дарсдан олиб қолиш натижада боладаги масъулият ҳиссини йўқотасиз...». Ота-оналар билан яқин ҳамкорлигимиз натижасида боласи бирор жиддий сабаб билан дарсга келолмайдиган бўлса, ўзлари олдиндан кўнгирок қилиб, оғохлантиришди. Ўқувчилар дарсга қирмаса, ота-онаси билан боғлиқлигини билиб, сабоқларни сабабсиз умуман қолдирмайди.

Гоҳида ўқитувчилар орасида давомат масаласини фақат синф раҳбарига ташлаб қўйиш ҳоллари учрайди. Аксинча, ҳар бир фан ўқитувчиси дарсларида ўқувчиларнинг тўлиқ иштирокини таъминлаш учун мунтазам иш олиб бориши керак.

Хулоса шуки, ҳар бир ўқувчимиз ва улар билан боғлиқ ҳар қандай жиҳатни диққат-эътиборда тутишга ўрганишимиз керак. Педагоглар орасида машҳур ибора бор: «Дарсда ўқитувчи — режиссёр». Режиссёр эса фильм(дарс)нинг ҳар лаҳзасини, актёр(ўқувчи)ларнинг ҳар бир ҳаракатини синчковлик билан кузатиб, бошқариб боради. Ҳеч нима эътибордан четда қолдирмайди. Ўқитувчи ҳам шундай бўлиши керак.

Ғолиб БАХРОМОВ ёзиб олди.

ЎҚИТУВЧИ — РЕЖИССЁР

ўқувчи ўзлаштирадиган билим, кўникма ва малака унинг ўз
дарсини қанчалик мукаммал ташкил этганига боғлиқ

дарсни бошлаб бўлмайди. Педагог устозларимиз таъкидлаганидек, билим олишга интилишни шакллантирмасдан туриб, янги билим беришнинг фойдаси йўқ. Чунки мажбуран ўрганилган нарсаси мустахкам бўлмайди.

Мен саломлашиш чоғидаёқ ўқувчиларни зимдан бирма-бир кузатиб чиқаман. Бу аснода бироз тоби қочиб турган ёки қандайдир муаммо сабаб тушкун кайфиятдаги болани дарров илғаб олиш мумкин. Албатта, муаммоси бор ўқувчи дарсга диққат қилиши мушкул. Шунинг учун унга алоҳида эътибор кўрсатиб, диққатини дарсга қаратишга тўғри келади. Болалар билан икки-уч дақиқа самимий суҳбат ўтказиб, кайфиятларини кўтаргандан кейин дарсни бошлайман. Ўқувчиларнинг диққатини жамлаш мақсадида қизиқарли бирор бир ҳаётий, бугунги мавзуга дахлдор янгилик келтираман. Таъкидлаш лозимки, ўқитувчи болалар эътиборини тортиш мақсадида дарсга, мавзуга алоқаси бўлмаган фикрлар билан уларни чалғитиши керак эмас. Негаки, бу фикр уларни бутун дарс давомида машғул қилиб қўйиши мумкин.

Нотаниш синфга кирадиган бўлсам, «танишув технологияси»дан фойдаланиб, болаларга бир неча савол билан муносабат қиламан:

— Ўқингиздан асосий мақсад нима?

— Сиз учун энг қимматли нарсаси?

— Дўстларингиз ким?

— Муаммоларингизни ўзингиз ҳал қиласизми ёки ота-онангиз билан биргачи?

Бу каби саволларга жавоб олиш ўқувчилар билан яқиндан танишишга, уларнинг дунёқараши, тенгдошлари орасидаги ўрни ва оилавий муҳитини ўрганиб, муомала қилишга ёрдам беради. Ўқитувчи, албатта, ўқувчиларига билим олишининг ҳаётда қандай асотишини тушунтириши лозим. Шунда улар ўз олдига мақсад қўйишни ўрганади.

ди, ҳатто буткул йўққа чиқаради. Ҳар бир топшириқнинг бажарилишини катъий талаб қилиш, тўғри баҳолаш ва рағбатлантириш ўқувчида масъулият ҳиссини пайдо қилади. Янада яхшироқ натижаларга эришиши мумкин эканига ва ўз кучига ишонтириш орқали болада ишчан кайфият, мотив уйғотилади. Мотив эса ўқувчини аниқ сабаб, қизиқиш ва ишонч билан ҳаракатлантирувчи, ишлашга ундовчи кучдир.

7-синф ўқувчиларим орасида уйга вазифаларни бажаришга ҳам, дарсда жавоб беришга ҳам эринадиган, бироз ялқовроқ Озод исмли бола бор эди. Бир куни биология фанидан «Тимсоҳлар» мавзуси бўйича мустақил тайёрланиш учун ўқувчиларга 4 дақиқа вақт ажратдим. Ўзим уларни назорат қила бошладим. Озод футбол тўпининг расмини чизиб ўтирган экан. Секун қулоғига пичирлаб: «Жуда яхши расмом экансан, тўпининг ўрнига тимсоҳнинг расмини чизиб, у ҳақида сўзлаб берисанг, кундалигингга балл олардинг. Қара, синфдошларинг ўқиш билан овора. Улар фақат оғзаки гапиривади, сен эса расми билан кўргазмалар жавоб берасан», дедим. Ажратилган вақт тугади, ўқувчилар тимсоҳни таърифлай бошладилар. Озодга қарадим, расмини жуда чиройли қилиб чизган, бирок синфдошлари олдида жавоб беришдан тортиб турарди. Уни чақирдим. Аввалига бироз ийманиб, гап бошлади, тимсоҳнинг суратини кўриб, синфдошлари «Зўрсан-ку, Озод, қойил-эй!» деб юборди. Сўнг у шунақангиз авлақлаб, гапириб кетдики, «5» балл қўймасдан илож йўқ эди. Озод билан ишлашни кейинчалик ҳам босқичма-босқич давом эттирдим. Чунки болага бир эътибор бериб, сўнг ўз ҳолига ташлаб қўйиш ярамайди.

ДИҚҚАТ БЎЛИНМАСИН!

Ўқувчиларимнинг дарсга кечикиб келиш ҳолати камдан-кам учрайди. Кеч келган ўқувчини одатда сабабини суриштирмай дарсга киришишга рухсат бераман. Агар уни шу

ушбу фанлардан дарсда болаларнинг зериклиши кузатилса, бу ўқитувчининг касбий маҳорати етишмаслигидандир. Қолаверса, ҳар бир фан ҳаёт билан ҳамбарчас боғлиқ, ўқитувчи унинг мана шу ҳаётий аҳамиятини кўрсатолса, ўқувчини билим эгаллашга қизиқтира билади. Ўқувчилар биология, зоология, одам ва унинг саломатлиги фанларидан ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида, энг муҳими, ўз соғлиғига тегишли қизиқарли билимларни ўрганишади. Аммо бола фанга қанчалик қизиқмасин, унга психологик ва физиологик жиҳатдан оғир топшириқлар берилса, тезда безиб қолади. Ҳатто қобилиятли болаларнинг ўзига ишончини ҳам сўндириб қўйишимиз мумкин. Шу билан бирга, иқтидорли, билимдон ўқувчиларга жуда оддий ва осон, такрор бўлавериш сийқаси чиққан топшириқларни берсак, дарсда зерикиб қолиши, бошқалардан ўзини юқори тутта бошлаши, лоқайдлик иллатига чалиниши эҳтимоли бор. Топшириқ бераётганда, аввало, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, қизиқишларини ҳисобга олиш зарур. Қолаверса, ҳар қал уйга вазифа берганда бир хилликдан, кўп такрордан қочиш, ижодкорликка, фикрлашга ўргатувчи машғулотларни бажартириш мақсадга мувофиқ. Яна, топшириқлар синфдаги иқтидорли, ўртача ўқийдиган ва бўш ўзлаштирадиган ўқувчиларга бирдек мос бўлсинки, уйишни ҳам қизиқиш, ҳам изланувчанлик билан тайёрласинлар. Масалан, ботаникадан гербарий яшаш, кроссворд тузиш, амалий топшириқларни бажариш, ўсимликларнинг инсон ҳаёти ва табиатдаги аҳамияти ҳақида эртақлар саҳналаштириш, «ботаника боғи», «гулзор» каби макетлар яшашни вазифа қилиб бериш мумкин. Бунда ҳам ўқувчиларнинг ёшини, имкониятини ҳисобга олиш керак. Зоологиядан ҳайвонларни ўрганган олимлар ҳақида ижодий реферат тайёрлаш, кичик аквариум, қўриқхона макетларини яшаш, бирор ҳайвоннинг ички тузилишини рангли қоғозларда ифодалаш, балиқ тан-



❖ Сардоба туманидаги 9-умумтаълим мактабда Президентини Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганиш ва аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида унинг маъно-мазмунини ва моxиятини очиб бериш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Сирдарё вилояти ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, маънавий тарғибот маркази, Гулистон давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар ва ўқувчилар иштирок этди.

Семинарда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби истиклолимиз тарихини ўрганиш, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим қўлланма экани алоҳида таъкидланди.

Семинарда мазкур китобни ўрганиш ва унинг мазмун-моxиятини кенг оммага етказиш борасидаги вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

❖ Қизилтепа туманидаги 13-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Наргиза Исмоилова «Энг яхши китобхон» кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи ғолиби бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган «Энг яхши китобхон» кўрик-танлови ҳам ана шу эзгу мақсадга ёшларнинг тафаккурини бойитиш, фикрлаш доирасини кенгайтириш, ўқиб-ўрганишга қизиқишини ошириш ҳамда кутубхоналар фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Мазкур танловнинг Навоий вилояти босқичида қатнашган юз нафар китобхон тўрт шарт бўйича ўзаро куч синашди.

❖ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб масалалари туркумидаги республика илмий-амалий семинарининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан Фанлар академияси, Иқтисодиёт университети, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, ЮНЕСКОнинг Ижтимоий ўзгаришларни бошқариш дастури бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий қўмитаси (МОСТ), «Оила» илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир «Ўзбекистонда оила мустақамлигини таъминлаш омили» мавзусига бағишланди.

Йиғилишда жамиятда оилаларнинг мавқеини кучайтириш, қизларни эрта турмушга узатиш ҳамда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, ота-оналар, талаба-ёшлар иштирокида ўтказилаётган тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш хусусида фикр алмашилди.

❖ Улуғнор туманида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Андижон вилояти кенгаши ташаббуси билан «Қамолот» боғи барпо этилди.

Барча туман ва шаҳар ёшлари вакиллари ушбу хайрли ишда фаол қатнашди.

— «Қамолот» боғига 400 тунга яқин турли қўчатлар экилди, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши раиси Мансурбек Матисаев. — Тадбир доирасида йигит-қизлар ёлғиз кексалар қонадонларига бориб, уларга томорқа ишларида ҳам қўмақлашди.

Ушбу тадбир ёшларни ташаббускорликка, фаолликка, меҳнатсеварликка ундайди, юртимизни янада обод қилиш, гўзал табиатимиз мусоффолигини сақлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

❖ Навоий шаҳрида кимё саноати корхоналари учун тайёрланаётган мутахассислар бандлигини таъминлаш, бу борада вилоятда тўплаган тажрибани ўрганишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Кимё саноати корхоналари, ушбу йўналишдаги коллежлар вакиллари, соҳада фаолият олиб бораётган тажрибали мутахассислар иштирок этган тадбирда вилоятдаги саноат корхоналари билан соҳа учун мутахассислар тайёрланадиган касб-хунар таълими муассасалари ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланаётгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, «Навоийазот» очик акциядорлик жамияти, Навоий индустриал-иқтисодиёт, техника-иқтисодиёт коллежлари билан яқин ҳамкорлик қилиб келади. Бу ерда ушбу билим юрларининг ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган ўқувчиларининг 150 нафари билан коллежни битириб, шу ерда ишлаши учун шартномалар имзоланди.

Семинарда коллежлар битирувчилари билан кимё саноати корхоналари ўртасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш бўйича фикр алмашилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

ИҚТИДОРЛИЛАР соғлом муҳитда камол топади

❖ «Қамолот» ЁИХ Марказий кенгашида бўлиб ўтган «Оилада иқтидор тарбияси» мавзусидаги он-лайн суҳбат спортчилар ва интернет фойдаланувчиларининг навбатдаги қизгин мулоқотига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Бошқарув социологияси ва психологияси кафедраси мудири, психолог Эркин Сатторов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, шахмат шарҳловчиси Ақром Тошқўжаев, ҳақон шахмат тожи соҳиб — Рустам Қосимжоннинг оила аъзолари, армрестлинг бўйича

7 карра жаҳон чемпиони, «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишони соҳиби Мирзохид Шахроров, хонанда Гули Асалхўжаева бу галги он-лайн суҳбатнинг меҳмони бўлди.

Суҳбат асносида

On-line mulqot

www.kamolot.uz веб-сайти орқали оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спортнинг фарзанд иқтидорини юзага чиқаришдаги ўрни, чемпионларни тарбиялаш сирлари билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Он-лайн мулоқот иштирок-

чиларининг сони кун сайин ортиб бораётгани ҳозирда бундай янгилик фикр алмаштиришга эҳтиёж борлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 5 апрел кунги ўзбек футболнинг 100 йиллигига бағишланган «Баркамол авлодни тарбиялашда спортнинг ўрни» мавзусидаги он-лайн мулоқотга 500дан ортиқ савол келиб тушган, ушбу саҳифа бугунги кунга қадар қарийб 14 минг маротаба кўрилган. Ҳа, айти кунда интернет инсоннинг маънавий қиёфасини шакллантираётган энг асосий ва оммабоп омилига айланди.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

БОЛАЛАР РАСМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

❖ Пойтахтимиздаги «Илҳом» театрида «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилиги болалар жағфармаси томонидан «Мен, сен, у, бизлар...» мавзусидаги бадиий кўргазма ташкил этилди.

«Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилиги болалар жағфармаси ижтимоий ҳимояга муҳтож ўғил-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бўш вақтини тўри ва оқилона ўтказиши учун зарур шароитларни яратишга доир эзгу ишларда фаол иштирок этмоқда. Мазкур жамоат ташкилоти томонидан амалга оширилаётган «Ота-она қарамогисиз қолган болаларнинг эстетик тарбия орқали жамиятга интеграциялашуви» лойиҳаси бадиий таълимни янада ривожлантиришга ҳисса қўиш, кам таъминланган оила фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжли болаларнинг санъатга қизиқиши ва иштиёқи

ни янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

22-Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари — ўн тўрт ёшли Ҳасан ва Ҳусан Муродовлар тўрт йилдан буён «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилиги болалар жағфармаси қошидаги ўқув марказида кулчилик ва тасвирий санъат ўғарағига қатнашди. Ака-укалар ўз иходий ишлари билан «Қамалак жилоси — 2010» республика болалар расмлари кўргазмаси, «Янги авлод — 2011» фестивалида совринли ўринларни эгаллаган. Ушбу кўргазмада ҳам бу ёшлар ўзлари чиқарган расмлар, кулчилик намуналари билан иштирок этишмоқда.

Кўргазмада болаларнинг тасвирий санъат, кулчилик, витраж каби йўналишлардаги иходий ишлари намойиш этилмоқда.

Сурайё ЖУМАНИЁЗОВА

ТАРИХ ВА ТАЪЛИМ

❖ Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицейда бўлиб ўтган «Тарих ва таълим» мавзусидаги илмий-амалий конференция буюк давлат арбоби, соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 676 йиллигига бағишланди.

Илмий-амалий конференция икки босқичда ўтказилди. Ялпи йиғилишда «Баркамол

авлодни тарбиялашда миллий маънавиятимизнинг ўзига хос жиҳатлари», «Тарих фани тадиқотларида манбашунослик

Konferensiya

масалалари», «Амир Темурнинг ҳақон тарихида тўтган ўрни», «Темурийлар ҳукмронлиги даврида вақф-мулкчилик тизими» каби маърузалар

тингланди. Иккинчи босқич эса шўъбаларда «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи ва маданияти», «Таълим ва фан — жамият тараққиётининг асоси», «Адабиёт ва тилларни ўргатиш муаммолари» йўналишларида давом этди.

Илмий-амалий конференция материаллари алоҳида тўплам шаклида чоп этилди.

Умида ИСМОИЛОВА

ҒОЛИБЛАР ХИТОЙГА БОРАДИ

❖ Самарқанд давлат чет тиллар институтида талабалар ўртасида хитой тили бўйича танловнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Уларнинг билими институтида фаолият юритаётган хитой тили ўқитувчилари ҳамда Пекиндан таширф буюрган меҳмонлар томонидан баҳоланди.

Ўн йилдан буён аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган танловда талабалар нотиклик санъатини намойиш этиш билан бир қаторда, хитой тилига оид саволларга жавоб беришди.

— Икки йилдан буён талабаларга хитой тилидан сабоқ бериш баробарида, ўзбек тили-

ни ҳам ўрганишга муваффақ бўлдим, — дейди ўқитувчи Ма Цуй Линг. — Институтида талабалар ўртасида ўтказилаётган бундай танловлар келажакда давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Танлов сўнггида ғолиблар аниқланиб, кейинги босқичга йўлланма олдилар. Мусобақанинг учала босқичидан ҳам муваффақиятли ўтган талабалар Хитой университетидида тахсил олиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Малоҳат ҒАФҒОРОВА,
СамДҶТИ талабаси

ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

❖ Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги аниқ фанларга ихтисослашган давлат умумтаълим мактабидида шу турдаги мактаб ўқитувчиларининг илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққанлар таълим соҳасидаги янгилашулар ва турли хил ўқув метод-

ларининг аҳамияти ҳақида гапириб, шахсий тажрибига асосланган ўз услубларининг қўлла-ниш тартиби ҳақида батафсил тўхтадилар. Айниқса, «Дарс жараёнида фан ютуқларидан фойдаланиш», «Физика дарсларида интернет материалларидан фойдаланиш» ва «Абжад ҳисоби» сингари мавзулар барчанинг диққатини тортди.

Иккинчи кун иختисослашган мактаблар ўқувчиларининг илмий-амалий конференцияси ҳам ўтказилди. Уларнинг математикага оид илмий мавзуларни инглиз тилида баён эта олиши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Олим ЖУМАБОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Синфдошим Бобур ўзига тўқ оиладан бўлгани учун, ўқувчилик давриданок келажақда ҳуқуқшунос бўлиши ҳақида ишонч билан қўйса эди. Ҳуқуқ ва тарих фанини ўзлаштиришга келганда эса унинг бу қатъиятини умуман пайкамасдик. У ота-она орзу-хаваси билан, чиндан ҳам, юридик соҳа мутахассисига айланди. Кейинроқ эса иш юзасидан оғохлантириш олиб, бошқа идорада фаолият юритаётгани кулгимизга чалинди. Таассуфки, яқинда синфдошимни киракашлик қилиб юрганида учратиб қолдим. У ўзини аввалгидек дадил тутмас, бироз журъатсиз ва ўйчан эди, назаримда. Ўғли ҳақида гапира туриб, «Ўзимга ўхшаб техникага қизиқади, олти ёшли боланинг эски қўл соатини тузатишга уринганини кўрсангиз эди», деб қолди. Дарвоқе, бу йигитнинг ҳам ўз қизиқишлари бор эди. Мактабда техника билан боғлиқ юмушлар қилиб қолса, ўқитувчиларимиз дарров уни ёнига чақирди... Афсуски, иш диплом олиш билан битмаслигини, касбга оид билим, кўникма ва кунтни тadbиркор отанинг бойлиги топиб беролмаслигини бироз кеч англади...

Аҳён-аҳён бўлса-да, бундай воқеаларга дуч келиб турамыз. Маълум бир касбга иқтидорини шаклланган бола фурсат ўтиши билан фикрини ўзгартириши мумкин. Баъзан ота-она ўз орзу-хавасидан келиб чиқиб, фарзанднинг «обрўли» касб эгаси бўлишини хоҳлайди. Аслида, бола қизиқиши, истеъдоди ва салоҳиятига қараб касбга йўналтирилиши, аини муддаодир. Эсини таниганидан бошлаб фарзандларимиз билан ҳамфикр бўлиб, ularнинг феъл-атвори ва қобилиятини борича қабул қилиш ва кurtak ёзаётган истеъдодини шакллантиришимиз керак. Уларнинг келажақда яхши инсон бўлишини фақат мартаба, шону шухрат билан белгилаб, фалон касбни ағаллашнинг шарт, дея ўқитириш ноўрин, албатта. Болада шаклланаётган иқтидор ва мойиллик унинг билим савияси ва иқтидорига мос келиши даркор.

Мактаб давриданок ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари тизимли ташкил этилса, уларда аниқ касбий кўникмалар шаклланиб, ҳал қилувчи паллада қатъий қарор қабул қилишга қўйналмайдилар. Бу борада мактаб психологи ва ўқитувчилар зиммасида масъулиятли вазифалар бисёр. Педагог-психолог Лев Виготскийнинг таъбири билан айтганда, таълимда бола ривожланишидаги кечаги эмас, эртанги кунни мўлжаллаб иш қилиши зарур. Шундангина боладаги энг яқин ривожланиш зонасида ётган қобилият ҳаракатга тушиб кетади.

КАСБ ТАНЛАШ — БАХТ ТАНЛАШ

— Ўқувчилар билан доимий мулоқотда бўлиб, касбий таълимдан чуқурроқ сабоқ беришга алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди Юнусобод туманидаги 327-умумтаълим мактабининг психолог-етакчиси

Зулфия Камолова. — Айниқса, битирувчи ёшлар орасида вақти-вақти билан сўровномалар ўтказиш, ота-оналар ва малакали мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари уюштириш аниқнага айланган. Бити-

рувчиларнинг дунёқараши ва қизиқишлари инобатга олиниб, ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг тайёрлов йўналишларига тавсияномалар берамиз. «Касбим — фахрим», «Ким бўлсам экан?», «Касблар марафони» тadbирлари ўтказилиши ўқувчилар фикрини янада тиниклаштиради.

Ушбу ўқув даргоҳи ёшларининг бир шiori бор: касб танлаш — бахт танлаш. Таълимни келгусида қайси йўналишда давом эттириш бўйича устозлари билан маслаҳатлашиб, ўзаро фикр алмашилади. Машғулотлардан сўнг коллеж-лицей ва музейларда ўтказиладиган саёҳат дарслари ҳамда турли касб соҳибларини билан учрашувларда фаол қатнашадилар. Мактаб психологи тез-тез ташкил этиб турадиган сўровнома ва таҳлил натижалари ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотаяпти. Жумладан, охириги сўровномада болалар психологияси, касбий қизиқиши ва маҳорати аниқланди. Натижа шуни кўрсатдики, ўқувчилар орасида техника йўналишига иштиёқмандлар кўп экан. Ота-онаси фикрига таянувчилар ҳам бўлди. Масалан, ижодкор ўқувчи Наргиза Мадраҳимова бадиий адабиётга астойдил қизиқади, келажақда санъат-

шунос бўлишни орзу қилади. Аммо бунга онаси қаршилиқ билдирган, у қизининг иқтисод йўналишидан кетишини истайди. Педагоглар ўқувчи ва онаси билан индивидуал шуғулланишди, икки ўртадаги номуносибликка барҳам берилди. Фикримизча, ота-оналар ҳам педагогик-психологик қўлланмалар билан танишишлари, «ZiyoNET», «Fikr.uz» сингари интернет сайтларидан бола қизиқиши ва қобилиятини аниқлаб берадиган сўровномаларни олиб, фойдаланишлари мақсадга мувофиқ.

ОРЗУЛАР РЎЎБИ

Яқинда Тошкент Фотосуратлар уйидаги кўргазмалардан бирида хориқлик сайёҳ «Шом» номли пейзаж асарини харид қилаётганига кўзим тушди ва ёш муаллифнинг бошқа этюд ва натюрмортларига ҳам аҳамият бердим. Барча суварлар жозибаси, мазмуни ва

лан қаралиши бунга йўл қўймади. Эътиборлиси, ёш рассомнинг «Тонг», «Табиат», «Саёҳат», «Фарғона тоғлари», «Совға» каби пейзаж ва этюдлари аллақачон кўлма-кўл бўлиб кетган. Ҳа, ҳар қандай касбда ҳам устаси бўлсанг, шон-шухрату моддият — ҳамма-ҳаммаси ўз-ўзидан келаверади.

РЕАЛ ҲАЁТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Сайёра Олимжўзаева, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташкил маркази мутахассиси: — Ҳозир дунёда 40 мингдан зиёд касб-хунар бор экан. Яна ҳар йили беш юзга яқини йўқолиб, ўрнига янгилари пайдо бўлмоқда. Таҳлилчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, жуда кўп касблар атиги 8-10 йилга бормай тарих мулкига айланипти. Ҳақиқатан ҳам,

Касбга yo 'naltirish

— касбий тарбия — болаларда умумкасбий ўқув ва кўникмаларни ҳамда касбга нисбатан қизиқиш, меҳнатсеварлик ва ишчанликни ошириш.

Ўқувчиларга касбий таълим бериш жараёни икки босқичда амалга оширилади. Дастлаб I—V синфларда болаларнинг қизиқишлари, қобилият ва лаёқатини ривожлантириш лозим. Бу жараёнда қўтилмаган ўзгаришлар олтинчи синф ўқувчиларга кузатилиши мумкин. Чунки улғайиш даври бошлангач, бирламчи танлов босқичи касбий ўз-ўзини танлов босқичига ўрин бўшатади. Ўқувчи айнан шу паллада орзусидаги касбга қанчалик тайёргилини жиҳдий ўйлаб кўриши керак бўлади.

ҲАЛОЛ РИЗҚ — ХУНАРДАН

Халқимиз қадимдан оилада фарзандларни ҳалол ризқ топишга ўргатиш, бирор касб-хунарга йўналтиришга аҳамият бериб келган. Бу хайрли анъана ҳозир ҳам бардавом. Учтепа туманида яшайдиган Зиёмуҳаммедовлар оиласи миллий хунарсозликни анъанавий тарзда давом эттириб келаятган сулола вақиларидан. Абдурахмон Зиёмуҳаммедов ўн тўрт ёшидан бешиксозлик ва қирмачилик билан шуғуллана бошлаган. Ҳозирда эса хусусий корхона ташкил этиб, ўнлаб шогирдлар ҳам тайёрламоқда. Яқинда туманда ўтказилган «Энг яхши оилавий тadbиркор» танловида биринчилиқни қўлга киритди.

— Уйимизда ҳеч ким бўш ўтирмайди: аёллар тиқиб-биқиб, эркаклар эса дурадгорлик билан банд бўлади, — дейди Озода Зиёмуҳаммедова. — Бу жараён ўғлим Абдурахмоннинг тарбиясига ижобий таъсир кўрсатган. Асосийси, ёшларимизнинг вақти зое кетмаяпти, иштиёқ билан нимадир яратяпти.

Аслида, мурғак қалб орзуларини ҳисобга олиб касб-хунарга йўналтириш — атроф-муҳитдаги ёт таъсирга тушиб, иродасиз бўлиб қолишдан асраш учун ҳам муҳим бир восита. Дарахт япроғи билан кўркам бўлганидек, инсон меҳнати, хунару амали билан танилади. Касбнинг катта-кичиклиги бўлмайди, дейишади. Муҳими, ўзигининг намоён этиш, ҳаётинг фаровонлигини таъминлаш учун хизмат қилиши.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ЎҚУВЧИ ТАНЛОВИ

ёхуд ота-она орзуси ва бола имкониятлари,
қизиқишлари ўртасидаги мутаносибликни
қандай таъминлаш хусусида

шакл-шамойили билан бир-бирдан қолишмасди.

...Гўзални табиат қўйида ижод қилаётганида учратдик. Нигоҳлари узок-узокларга қадалган, қўлидаги қалам гўё ўз соҳибини топадиган йўргаларди. Оппок қоғоз кўп ўтмай ажойиб манзарага айланди.

— Биласизми, дарахтлар ортидан кўриниб турган мана бу бино жонажон даргоҳимиз, атрофида гуллар акс этган жой эса биз улғаяётган ҳовли, — дея тасвири изохлайди Республика рассомлик коллежи 2-босқич талабаси Гўзал Атамуҳаммедова. — Болалигимдан расм чизиш ва дизайнга қизиқардим. Эсимда, илк бор икки олмаҳоннинг сувартини чизганимда онам жуда қувонган, кейинчалик орзуим ушалашида ҳам маънавий кўмагини аямаган. Ушанда уйғонган озгина иштиёқ ва ҳавасим ортиб, 304-мактабдаги «Моҳир қўлар» тўғрагадиган устозим Дилшод Эшматов кўмағида кўп нарсани ўргандим. «Мактаб рассоми» танловида голиб бўлдим.

Гўзалнинг айтишича, гоҳида уни тасвирий санъатдан воз кечишга, бошқа мўмай даромадли иш билан шуғулланишга кўндирмоқчи ҳам бўлишган. Бироқ иқтидорли қизнинг иродаси мустаҳкамлиги, оилада унинг истеъдодиға ҳурмат би-

фан-техника ривожланган даврда оғир жисмоний меҳнат турлари камайиб, янгидан-янгиди соҳалар вужудга келиб, дунёда касб-хунар манзаралари ҳам ўзгариб бормоқда. Шу маънода бугун ўқувчиларнинг тўғри касб-хунар танлашига амалий ёрдам кўрсатиш ўта долзарб масала бўлиб турибди. Таълим масканларида махсус хоналар ташкил қилиниб, ўқув дастурларига «Ишлаб чиқариш асослари», «Касб танлаш» курслари киритилаяпти. Ўсмирларни шахсий имкониятларидан келиб чиқиб касбга йўналтириш ва касб танлаш жараёнида ташаббус, масъулият, ишонч ва, энг муҳими, мақсад сари интилиш мотивини шакллантиришга эътибор қаратилаётди. Бу борадаги амалий ишларни қўйидаги йўналишларда олиб бориш тавсия этилади:

— касбий билим — турли мутахассисликлар ҳақида маълумот бериш;

— касбий маслаҳат — туғма лаёқат, қобилият, кўникма ва оилавий муҳит, худудий шарт-шароитлардан келиб чиқиб;

— касбий ташхис — махсус касбий ташхис методикалари ёрдамида шахснинг индивидуал психологик ва физиологик хусусиятларини, ўқувчининг касбий мойиллигини аниқлаш;

мизда барча шaroитлар яратилган. Президентимиз томонидан ёшларнинг баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун катта ғамхўрлик кўрсатилаётди.

Бундай эътиборга биз — ёшлар аъло баҳоларда ўқишимиз, намунали хулқимиз билан жавоб беришимиз керак. Бизлар дарсдан ташқари тadbирларда фаол қатнашиб, маҳалламиз, мактабимиз атрофини тоза-озода сақлаб, Мустақиллигимизнинг 21 йиллиғига ҳар бир синф 21 донадан кўчат ўтказдик ва ҳозир буларни парвартишлаб бормоқдамиз.

Сурайё АБДУРАХМОНОВА,
Шахрисабз туманидаги
21-мактабнинг
9-«А» синф ўқувчиси

Касб танлаш... Бу ҳар бир йигит-қиз олдида турган энг долзарб масала. Чунки бугунги қўяжак қадами унинг эртанги кунини учун жуда муҳим. Юқоридаги савол замирида нафақат биргина шахс, бутун бир оила, қолаверса, жамият манфаати ётади. Зеро, бугун мактаб партасида математика дарсидаги мисол-масалалар ечимига ёки адабиёт, тарих ҳамда бошқа фан ва касб-хунар йўналишидаги соҳаларни ўрганишга қизиқатиш ошган ўқувчидан ҳеч қанча фарқат ўтмай, йирик олим, ёзувчи, санъаткор ёхуд моҳир уста, архитектор, қурувчи, етук хунарсоз чиқади. Унинг қамол топиши учун ўз вақтида эътибор, зарур шарт-шaroит талаб этилади.

КАСБИМИЗ — ТАҚДИРИМИЗ

Қувонарлиси, биз таълим олаётган 21-мактаб педагоглар жамоаси ҳамда ота-оналар фарзандлари таълим-тарбиясиға, бирор бир касб-хунар эгаллашиға алоҳида эътибор қаратишаётир. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамкорлиғида пухта режа асосида «Очик эшиклар кунини», учрашувлар, турли хил сўровномалар ташкил этилаётди.

Бундай тadbирларни уюштиришда мактабимиз директорининг маънавий-

маърифий ишлар бўйича ўринбосари Шухрат Очилов, мактаб психологи Насиба Қодирова, меҳнат ва касб таълими фани ўқитувчилари Собира Аллаева, Ҳидоят Абдиеванинг хизматлари катта бўлмоқда.

Асосийси, бугунги кунда синфдошларимиз келажақда ким бўлишини, қайси касбни эгаллашини аниқ белгилаб олган. Мен дизайнерлик касбини танладим ва шу касб бўйича олий маълумот олиш ниятиданам. Бунинг учун юрти-

Bitiruvchi — 2012

«H» VA «X» IMLOSI

ikki tovushni farqlashning oson va samarali yo'llari

Yurgan yo'limizda peshlavhalar, reklama afishalari, bayram tabriklariga duch kelamiz. To'g'risi, ko'cha bitiklarida imloviy va uslubiy xato uchrashi odat tusiga ham kirib qolgandek. Aksariyat hollarda «X» va «H»ning o'rni almashtirib yoziladi. Bu bugun paydo bo'lgan yoki yangidan yuzaga kelayotgan masala emas. Maktab davrida deyarli har bir o'quvchi oldida «Qattiqmi, yumshoqmi?» yoki «Dumlimi, dumsizmi?» degan savol ko'ndalang bo'ladi. Endi o'ylab qarasam, bunday imloviy xatolarga yo'l qo'yilishida biz o'qituvchilarning ham aybimiz bor ekan. Bugun o'quvchilarim bilan shu muammoga duch kelib, ayni haqiqatni teranroq anglab yetayapman va masala yechimi bo'yicha samarali yo'llar izlayapman.

«X» va «H» tovushlari talaffuzi va imlosida uchraydigan chalkashliklar doimiy dolzarb mavzuligini boshlang'ich ta'lim, ona tili va adabiyoti fani o'qituvchilari chuqur his etishi kerak. Har bir darsda ushbu harflar ustida ishlashni kanda qilmay, qayta-qayta mashq bajarish va ko'proq badiiy kitob o'qitish orqali xotirada mustahkamlash mumkin. Aslida, bu tovushlarni o'z shevasida noto'g'ri talaffuz qilish, tovushni hosil bo'lish o'rniga ko'ra turini ang-

lamaslik, talaffuz me'yorini buzish kabi sabablar yangilish-movchilikni keltirib chiqaradi. Shu bois o'qituvchi birinchi navbatda ushbu harflarning undosh tovush ekanini, ularning hosil bo'lishida o'pkadan chiqayotgan havo to'siqqa uchrashini ta'kidlashi lozim. Keyin esa «h» va «x»ning hosil bo'lish o'rniga ko'ra qaysi toifaga kirishi hamda, to'g'ri talaffuzini qayta-qayta tushuntirishi kerak.

«X» undoshi chuqur til orqada bo'ladi, uni «qattiq» yoki «dumsiz» deb ta'riflash noto'g'ri. Mashg'ulot bir necha so'zni yozuv taxtasiga yozish bilan boshlanadi. «X» undoshi so'z boshida, o'rtasida, oxirida kelishi mumkin. O'quvchilar o'qituvchi o'rgatganday o'qiydilar. Talaffuz qoidalarini buzilmasligiga e'tibor beriladi. Masalan: xotira, xalq, xavf, xayol, axloq, axir, muxlis, xax, shox, narx, charx... Shu tarzda o'quvchilar chuqur til orqa undoshining talaffuzini, hosil bo'lish o'rnini xotiraga mustahkamlaydilar.

Talaffuzga doir tushunchalardan so'ng amaliy mashqlarga o'tiladi.

1-mashq.

So'zlar aytiladi. O'quvchilar faqat chuqur til orqa undoshi — «X» harfi bilan yoziladigan so'zlarni aniqlik yozishlari kerak: xalqob, ahvol, xavotir, nashat, xira, xotira, mehnat, xamir, xina, mahorat.

So'ngra topshiriq javobi tekshirilib, yo'l qo'yilgan xatolar ustida ishlanaadi.

2-mashq.

Imlo lug'atidan «X» undoshi qatnashgan so'zlar yoziladi. O'quvchilar ularning imlosini o'rganish bilan birga, shu so'zlar ishtirokida gap tuzishadi: xabar, xavfsizlik, xandon, xarajat, xato, xat-savod, xafa, xipcha, xosiyat, xolis, xudbin, xotirjam.

3-mashq.

O'quvchilarni uch guruhga bo'lib, «X» undoshining so'z boshida, o'rtasida va oxirida kelishiga misollar yozdirish ham jamoaviy ishlashning yaxshi usulidir. So'z boshida kelganlarni birinchi guruh, so'z o'rtasidagilarni keyingi

guruh, so'z oxirida kelganlarni esa so'nggi jamoa yozadi.

«H» undoshini o'rgatayotganda esa o'qituvchi talaffuz qilganday o'quvchilar ham takrorlash, bu tovushning tilimizda yagona bo'g'iz undoshi ekanini qayta-qayta uqtirish kerak. Bunda o'quvchilar «H» undoshi o'pkadan chiqayotgan havoning bo'g'izda qisilishidan hosil bo'lishini talaffuz paytida his qilishlari lozim. Takror-takror misollar bilan ishlash foyda beradi. Og'zaki nutqda bu ikki harfni bir-biridan farqlash uchun shu tovushlar ko'proq qatnashgan she'rni ifodali o'qib, bo'g'iz undoshi ishtirokidagi so'zlarni daftarga yozdirish yaxshi samara beradi. Bu eshitib yozish malakasini shakllantiradi. Olaylik, Hamid Olimjonning «Bahor» she'ridan foydalanish mumkin.

Yana mashqlar ustida ishlashga o'tamiz.

1-mashq.

«Har xil» so'z birikmasi o'quvchilarga yozdiriladi. Hamma to'g'ri yozishni

o'zlashtirmagunicha 3-4 o'quvchining xato varianti yozuv taxtasida saqlanadi. So'ngra to'g'ri variant bilan solishtiriladi, xato va kamchiliklar o'rganiladi. Shu birlikma ishtirokida gap tuziladi.

2-mashq.

O'quvchilar rasmlardan birini tanlab olib, matn tuzadilar va «H» undoshi ostiga chizib chiqadilar.

3-mashq.

«X» undoshi ishtirokidagi so'zlarga misol yozish topshiriladi. Oxirida eng to'g'ri va ko'p so'z yozgan o'quvchilar rag'batlantiriladi.

O'quvchilar ikki tovushni bir-biridan farqlashi, imlo xatolariga yo'l qo'ymasligi uchun yana va yana to'g'ri talaffuzni o'rgatish lozim. «Dumli H», «dumsiz X» emas, chuqur til orqa undoshi, bo'g'iz undoshi deb o'rgatsak, tilimizning keng imkoniyatlarini, so'zlarning nafisligi va jozibasini saqlab qolishga, imlo xatolarning oldini olishga erishamiz. Zotan, xalqimizning ertangi savodxonligi bugun maktab partalarida o'tirgan o'quvchilarning imlo qoidalarini qanchalik o'zlashtirishiga bog'liqdir.

Zulfizar ABDIYEVA,
Qarshi shahridagi
43-maktabning ona tili va
adabiyoti fani o'qituvchisi

ҚЎШНИ ТУМАНЛАРДАН — «НАВРЎЗ»ГА

Кичкинтойлар турли машгулотлар билан банд хонадаммиз. Кимдир расми китоб томоша қилаётди, кимдир елим кубикчалардан турли шакллар ясамоқда. Белига фартук таққан қизча миллий бурчақда тандирга нон ёпишни ўрганаёпти.

— Сен нон ёпишни ҳам биласанми? — савол ташлаймиз унга.

— Нон ёпиш учун олдин хамир тайёрлаб оламиз, — дейди Сабина. — Бунда менга боғча олам ёрдам беради.

Хонанинг бир четидagi ойна қаршида «сартарош» қизча дугонанинг сочларига пардоз бермоқда. У ўз ишига шунчалик шўнғиб кетганки, бизнинг кузатиб турганимизни ҳам сезмади.

— Сенга сартарошлик ёқадими? — сўраймиз Мафтунадан. — Бу ерда яна нималарни ўрганаёпсан?

— Гимнастикани ўрганаёпман. Машқ кўрсатиб берайми?

Биз унинг шаштини қайтармадик. Мафтуна дугоналари билан махсус кийимларни кийиб, гимнастик машгулотларни намойиш этди.

Кейин кубиклардан кўприк кураётган болани суҳбатга тортдик.

— Уй яхшими, боғчами?

— Уй яхши, боғча ундан ҳам яхши, — дейди Талантжон.

Машгулот давом этмоқда. Кичкинтойларнинг эмин-эркин ўйнашига имкон яратилган. Тарбиячилар кўпроқ кузатувчи вазифасини бажаришарди. Бола шахсига йўналтирилган таълим шуни таъқозо этади. Бу ерда ҳар бир болага шахс сифатида муносабатда бўлинади. Ҳеч бир саволи жавобсиз қолдирилмайди, истаклари доим инobatта олинади. Қайси ўйинни истаса, шунга имкон яратилади.

— Боғчамизда болажонлар учун барча шарт-шароитлар етарли, — дейди услубчи Муборак Бахриддинова. — Тарбиячиларимиз тажрибали, малака-

ли мутахассислар. Биринчи ярим йилликдаги мониторинг натижаларимиз 72 фоизни ташкил этди.

Жиззах шаҳридаги Заргарлик маҳалласида жойлашган 39-мактаб-

гача таълим муассасасида 250 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Муассаса

жисмоний тарбияга ихтисослашган. Футбол, баскетбол, шахмат-шашка, енгил атлетика, гимнастика тўғрисида

ри мунтазам фаолият кўрсатаёпти. «Соғломжон — полвонжон» ўйинлари зўр ҳаяжон билан ўтади. Тарбияланувчилар шаҳар ва вилоят миқёси-

Maktabgacha ta'lim



САРИОСИЁДА ЁШЛАР БОҒИ

Сурхондарё вилояти Сарийосиё тумани марказида Ёшлар боғи фойдаланишга топширилди.

5,7 гектардан ортиқроқ майдонни эгаллаган боғ Олмалик кон-металлургия комбинати ҳомийлигида барпо этилди. Замонавий ёритиш мосламалари, қулай ўриндиқлар, ўйноқи фарворлар ўрнатилган боғда нафақат мароқли ҳордиқ чиқариш, балки мини футбол, баскетбол, волейбол майдончаларида спорт билан шуғулланиш ҳам мумкин. Турли аттракционлар, сеvimли эرتак қаҳрамонлари ҳайкалчалари болаларни бефарқ қолдирмайди. Боққа 3 мингдан ошiq мазарали дарахт ва 10 минг тупга яқин гул экилди. Ёшлар боғи яқинлашайтган ёз мавсумига сарийосиёликлар учун муносиб тўхфа бўлди.

Суратда: Сарийосиё туманидаги Ёшлар боғида.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Абдусаттор СОДИКОВ,
«Ma'rifat» мухбири

“Заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир бобо-ларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий каш-фийтлари бугун ҳам жаҳон ахлини ҳайратга солаётганини гурур билан таъкидлаш лозим...”

Миллий тарихимизнинг яна бир ёрқин юлдузи Абу Райхон Беруний фаолиятига ҳаққоний баҳо берад экан, америкалик фан тарихчиси Сар-тон XI асрни “Беруний асри” деб таърифлайди. Бундай юксак ва ҳақли баҳо, аввало, қомусий тафаккур соҳиби бўлмиш буюк ватандошимиз-нинг илм-фан тараққиётига қўшган бекиёс ҳиссаси билан изоҳланади.”

“Юксак маънавият – энгилмас куч” асаридан

Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний ҳаёти ва илмий меросини турли даврларда ўрганган олимларнинг асарларида у ўз замонасининг деярли ҳамма фанлари, биринчи навбатда, астрономия, физика, математика, геодезия, геология, минералогия, тарих каби фанларни пухта эгаллагани эъти-роф этилган.

Маълумотларга кўра, 1035–1036 йиллари Беруний ўз илмий ишлари рўйхатини тузганда шу вақтгача ёзган китоб ва рисоалари 113тага етган экан. Кейинги ёзган асарлари қўшил-са, олим қолдирган илмий мерос 152 китоб ва рисоладан иборатлиги аён бўлади.

Тадқиқотчилар Беруний асарлари-нинг 70таси астрономия, 20га яқини математика, 12 таси география ва геодезия, 3таси минералогия, 4таси кар-тография, 3таси иқлимшунослик, 1таси физика, 1таси доришунослик, 4таси фалсафа, 18таси адабиёт ва бошқа фанларга оид эканини аниқлаганлар.

Ҳозиргача олимнинг 28та асари то-пилиб, ўрганилгани маълум. Унинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорлик-лар”, “Ҳиндистон”, “Геодезия”, “Ми-нералогия”, “Масъуд қонуни”, “Мунаж-жимлик санъатидан бошлангич тушун-чалар” ва бошқа асарлари нашр эти-либ, турли тилларга таржима қилин-ди.

Беруний ўз замонасининг улкан ма-тематикларидан бири эди. Унинг ма-тематикага оид асарларидан 8таси арифметикага, 7таси геометрияга, 4таси стереометрияга ва 1таси триго-нометрияга бағишланган. Беруний асарларида алгебра, геометрия, ариф-метика, сонлар назарияси ва триго-нометрия тушунчалари маълум тартиб билан таърифланади. Олимнинг катта ютуғи шундаки, иррационал сонларга арифметика ва алгебранинг тенг ҳуқуқли предмети сифатида қараган. Арифметика соҳасида машҳур улам-чи қонидани кўриб чиқади, беш, етти ва ундан ортиқ миқдорлар учун уч-ламчи бўлган умумлаштирувчи қоида-ларни баён қилади. XIX–XX асрларда Европа ва бошқа давлатларда Беру-ний асарларини таржима ва тадқиқ эт-ганлар уни тригонометрияга мустақил фан сифатида қараган биринчи олим деб эътироф этган. Беруний тригоно-метрик функцияларнинг умумий қону-нияларини топиш юзасидан иш олиб борган. “Масъуд қонуни” (“Ал-Қонун ал-Масъудий”) асарида ясси ва сфе-рик тригонометрия қоидаларини баён қилади. Йигинди ва айирмалар синусини ҳамда икки ҳисса оширилган ва ярим бурчаклар синусини аниқлаш қоидаларини яратди. Ясси ва сферик тригонометрия учун синус ва тангенс-лар теоремасини исботлайди. Шунинг-дек, тенг кучли косинуслар сферик те-оремаси қоидасини таърифлайди, синуслар ва косинуслар теоремаларини исбот этади. Ўша пайтгача муаммо ҳисобланган бурчак трисекцияси(ихти-ёрий бурчакни чизгич ва циркуль ёрда-мида тенг уч бўлакка бўлиш)нинг ўн иккита усулини келтиради.

Қадим замонлардан геометрик про-грессия ҳадларининг бир қарашда ишониш қийин даражада тез ўсиши билан боғлиқ масалалар ва ривоятлар маълум. Энг машҳур ривоятлардан бири шахмат ихтирочисини ҳақидагисид-ди. Ҳиндистон шох Шерам шахмат ихтирочисини Сетани ҳузурига чақириб, унга ўйлаб топган қизиқарли ва доно ўйини учун муқофотни ўзинг танла, деб таклиф қилади. Ихтирочи сўраган ил-

тимосини эшитиб, шох таажжубга ту-шади: у шахмат тахтасининг биринчи катагига бир дона, иккинчи катагига икки дона, учинчисига икки марта кўп — тўрт дона, тўртинчи катакка яна икки марта кўп — саккизта... бугдой дони беришни сўраган эди.

Абу Райхон Беруний “Қадимги халқ-лардан қолган ёдгорликлар” асарининг “Бир эрани иккинчи эра ёрдамида ҳисоблаш” бўлимида биринчи ҳади 1 ва махражи 2га тенг бўлган геометрик прогрессия 64та ҳадининг йигиндисини қандай ҳисоблаганини, машҳур ма-саланинг ечимини қайси қоидалар асо-

МАШҲУР МАСАЛА ЕЧИМИ

Ўқувчидан ўзига хос фикрлашни талаб этади

сида ҳал этганини ўқувчиларга ўрга-тиш қизиқарлидир.

Буюк олим масаладаги прогрессия ҳадларининг йигиндисини ҳисоблаш-дан олдин иккита қонидани келтиради:

1. “Шахмат тахтасининг олтимиш тўртта катагидан бирортасидаги сонни ўз-ўзига кўпайтисак, ҳосил бўлган кўпайтма кўпаювчи [сон турган] катак биринчи катакдан неча катак узокда бўлса, шу кўпаювчи катакдан ўшанча узокда турган катак[нинг сони] ҳосил бўлади”.

Бу қонидани Беруний мисол ёрда-мида шундай тушунтиради. Бешинчи катакнинг сони, яъни 16 ни олади ва уни ўзига кўпайтиради, яъни $16 \times 16 = 256$, бу сон тўққизинчи катак-да бўлар экан. Тўққизинчи катак бе-шинчи катакдан, бешинчи катак би-ринчи катакдан неча хона нари турса ўшанча хона олсида экан, яъни $5-1=9-5$. Бундан Берунийнинг қонидаси гео-метрик прогрессиянинг ўрта ҳадини топиш ҳақида экани кўринади.

2. “Агар бирор катакдаги сондан бир айирилса, қолдиқ ўша катакдан олдин-ги ҳамма катаклардаги сонларнинг йи-гиндисига тенг бўлади”.

Беруний қуйидаги тенг кучли бўлган мисолни беради:

$$\alpha_0 - \alpha_1 = \alpha_1 + \alpha_2 + \alpha_3 + \alpha_4 + \alpha_5$$

$$\text{яъни: } 32-1 = 1+2+4+8+16 = 31.$$

Бу қоидаларни асослашда у ўзининг “Рақамлар ҳақида китоб” (“Китоб ал-арқом асарида (бу китоб бизгача етиб келмаган) берилган “жуфт-жуфт сон-лар”нинг умумий назариясига эътибор қаратишни уқтиради:

“[Источчилар] бу ишни ўрганиб олишлари учун мен шахмат тахтаси [катакларидидаги сонларни] ҳисоблаш усулини тушунтирмоқчиман. Аммо сен “жуфт-жуфт сонлар”ни иккилантириш қоидасини олдиндан билган бўлишинг зарур. Биз бу сонлардан қайси бири-ни олмайлик, улар кетма-кетлик бўйи-ча бир-биридан [баробар] ўзоқликда туради. [Агар иккилантириш сони жуфт бўлса, у вақтда прогрессиянинг ўрта ҳади иккита], агар тоқ бўлса, у вақтда ўрта ҳад битта бўлади. Четки икки ҳад-нинг кўпайтмаси икки ўрта ҳаднинг кўпайтмасига тенг”.

Бу қоидаларни тушунтириб бўлган, Беруний қуйидаги ҳисоблашларни ба-жариб, юқорида айтилган прогрессия ҳадлари йигиндисини топади.

О'қитувчига yordam

$$2^2=4, 4^2=16, 16^2=256, 256^2=65\,536, 65\,536^2=4\,294\,967\,296 \text{ ва } 4\,294\,967\,296^2-1=18\,446\,744\,093\,709\,551\,615.$$

18 446 744 093 709 551 615 со-нининг ўқилиши — ўн саккиз квинти-лион тўрт юз қирқ олти квадриллион етти юз қирқ тўрт триллион тўқсон уч миллиард етти юз тўққиз миллион беш юз эллик бир минг олти юз ўн беш.

Бу улкан сонни тасаввур қилиш учун турли даврларда мисоллар келтирил-ган. Масалан, ҳисобланган бугдойни жойлаш учун қандай ўлчовли омбор қуриш керак? Бир куб метрли омбор-га 15 миллион дона бугдой жойланса, шахмат ихтирочисига бериладиган буг-дой учун 12 000 000 000 000 куб метрли ёки 12 000 куб километрли омбор қуриш керак бўлар экан. Агар омборнинг эни 10 метр, баландлиги 4 метр бўладиган бўлса, узунлиги 300 000 000 километр бўлиши керак экан. Бу масофа Ер билан Кўёш ора-

сидаги масофадан деярли икки марта узун бўлади.

Биринчи қонидани ўқувчилар яхши тушунмасалар, математика ўқитувчиси замонавий усулда, геометрик прогрес-сиянинг исталган ҳадини топиш, ҳад-лари чекланган геометрик прогрессия-нинг йигиндисини топиш формула-лари ёрдамида осон тушунтириши мум-кин.

XIX асрдан бошлаб Европа ва Осиё мамлакатларида Беруний мероси би-лан қизиқиш янада кенг тус олди. Унинг асарлари латин, француз, ита-лия, немис, инглиз, форс, турк тилла-рига таржима этилди. Беруний асар-ларига бағишланган европалик олим-лар Ж.Рено, М.Майерхоф, Г.Зутер, Э.Видеман, Р.Райт, К.Наллино, Г.Сар-тон, Осиё олимлари С.Х.Наср, М.Ко-зим, С.Баранин, М.Низамуддин, Ш.Ялтай кабиларнинг китоблари, тар-жималари нашр этилди. Бундай юксак ва ҳаққоний баҳо, аввало, қомусий та-факкур соҳиби бўлмиш буюк мутафак-кир бобомизнинг илм-фан тараққи-ётига қўшган бекиёс ҳиссаси билан ба-ҳоланади.

Берунийнинг ижоди, илмий меро-сига Ўзбекистонда катта эътибор бе-риб келинмоқда. Ҳ.Абдуллаев, И.Му-минов, В.Зоҳидов, Я.Ғуломов, У.Кари-мов, С.Булгаков, М.Хайруллаев, С.Си-рождиқднов, Г.Матвиевская, А.Аҳме-дов каби атоқли олимларимиз Беру-ний асарларини ўзбек ва рус тилла-рига таржима қилдилар, буюк олим ҳаёти ва ижоди ҳақида қатор рисола, китоблар яратдилар. Тошкентда алло-манинг бой илмий меросига бағиш-ланган қатор халқаро конференциялар ўтказилди. Биринчи бор Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорлик-лар”, “Ҳиндистон”, “Масъуд қонуни”, “Геодезия”, “Сайдона” каби асосий асарларини ўз ичига олувчи кўп том-лик сайланма асарлари ўзбек ва рус тилларида Ўзбекистон Фанлар акаде-мияси томонидан нашр этилди. Ўзе-бекистонда туман, шаҳар, университет, институтларга мутафаккир номи берил-ган. Олий ўқув юртларининг табиий фанлар бўйича иқтидорли талабаларига Беруний стипендияси жорий қилинган.

Анвар АКМАЛОВ,
ЎЗМУ қошидаги Саъди
Сирождиқднов
номидаги академик лицей
ўқитувчиси

ДЕҲҚОНОБОД МЎЪЖИЗАСИ

«Аср мўъжизаси» дея тан олин-ган, Марказий Осиёда ягона ка-лийли ўғитлар заводи истиқлоли-миз шарофатидир. Калий ўғитла-рининг ўзимизда ишлаб чиқари-лиши, бир томондан, ерларимиз унумдорлигини қарийб 60 фоизга ошириш, иккинчи томондан, катта миқдордаги маблагни тежаш, аҳоли-ни, хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш имконини берди. Деҳ-қонободда ишга туширилган завод маҳсулотининг бир қисми Марка-зий Осиё давлатлари, шунингдек, Шри-Ланка, Хитой, Малайзия, Сингапур ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Деҳқонобод калийли ўғитлар за-водининг биринчи навбатдаги қурилишига 275 миллион АҚШ доллари сарфланган. Давлат қишлоқ хўжалигининг калийли ўғитларга эҳтиёжи бир йилда 100 минг тон-нани ташкил этади. Ваҳоланки, Деҳқонобод калийли ўғитлар за-водининг биринчи босқич йиллик ишлаб чиқариш қуввати 200 минг тоннадан иборат. Маълумотларга кўра, ўғитларнинг жаҳон бозори-даги нархи ҳар йили ўртача 6 фо-изга ошиб борар экан.

Тепакўргон туз қонида 215 ми-лион тоннадан ортиқ сулвинит бўлишига қарамай, тоғ остида, 250—700 метр чуқурликда ётган ка-лий тузларининг қуйи қатламита-га етиб боришнинг иложи йўқ эди. Бироқ Юртбошимиз ташаббу-си билан бу ишга катта миқдорда маблаг ажратилиб, юксак тажриба-га эга лойиҳачи ва пудратчилар ҳамда замонавий технологиялар жалб қилинган, Тепакўргон бағри-даги қонни ишга тушириш имко-нияти тугилди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимо-ий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлан-ган Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг мажлисида-ги маърузасида «2012 йилда иқти-содиётимизни диверсификация қилишни давом эттиришда ўта му-ҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳа-ларни амалга ошириш мўлжаллан-моқда. Жумладан, Сурғил қони ба-засида Устуорт газ-кимё комплек-си, Деҳқонобод калийли ўғитлар ва Қўнғирот сода заводларининг ик-кинчи навбатини, синтетик суяқ ёқилги ишлаб чиқариш заводини қуриш ишлари бошланади», дея таъкидлади.

Деҳқонободнинг режалаштириш ва кадрлар бўйича ўринбосари А. Орипов ва ходимлар бўлими бошлиғи Д. Пардаевнинг таъкид-лашича, иккинчи босқич қурили-ши ишлари тугагач, 1000 нафар касб-хунар коллежи битирувчила-рини танлов асосида ишга қабул қилиш режалаштирилган. Деҳқоно-бод калийли ўғитлар заводининг иш бошлаши халқимиз томонидан қўлга киритилган катта муваффа-қиятдир. Келгусида бу каби ютуқ-ларимиз сони янада кўпайиши шубҳасиз.

Соҳиб РАЖАБОВ,
Халқ таълими аълочиси

КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ

олий таълим тараққиётига хизмат қилади

Бугун юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун барча имкониятлар, шарт-шароитлар яратилди. Бунда Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилган таълимнинг «ўзбек модели» муҳим аҳамият касб этади, албатта. Зеро, у соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий-ташкилий пойдеворини шакллантириш ва мустаҳкамлашда муҳим дастуриламал вазифасини ўтади. Хусусан, «Таълим тўғрисида»ги қонун, жаҳон тажрибасида ноёб ҳисобланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган узлуксиз таълим тизими йўлга қўйилди.

Ўз навбатида, бундай янгиланишлар ва модернизация жараёнлари олий таълим тизимида ҳам ўз ифодасини топди. Бугунги кунда олий таълим муассасалари сони 2 баробарга кўпайиб, мазкур даргоҳларда 230 мингдан зиёд талаба таълим олаётгани фикримизнинг ёрқин тасдиғидир. Аини пайтда диёримиздаги олий ўқув юр்தларининг кўркам қиёфаси, мустаҳкам моддий-техник базаси, профессор-ўқитувчиларининг юксак салоҳияти салмоқли самараларга эришишда катта аҳамият касб этмоқда.

Буларнинг барчаси Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 16–17 февраль кунлари «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган меҳмонлар — нуфузли мутахассислар, экспертлар ва педагоглар томонидан ҳам эътироф этилди. Ушбу йирик тадбир иштирокчилари бир қанча таълим масканлари, шу жумладан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳам бўлиб, ўқув жараёнлари

билан яқиндан танишишди. Улар республикамиздаги олий ўқув муассасалари орасида ўз ўрнига эга ТДИУ мисолида малакали педагог кадрлар маҳорати, замонавий интеллектуал ҳамжамият билан интеграциялашув жараёнига юқори баҳо беришди.

Халқаро анжуман иштирокчиларидан бири Чехиядаги Иқтисодиёт ва менежмент олий мактабининг иқтисодий тадқиқотлар маркази директори Катерина Штеванкованинг фикрига эътибор беринг:

— Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшаси ўзига хос гўзал ва мафтункор. Хусусан, пойтахтингиз ҳақиқий мегаполисга айланибди. Янги ва муҳташам биноларни айтмайсизми? Таълим муассасаларининг улугворлиги ҳар қандай кишининг диққат-эътиборини тортади. Айниқса, Тошкент давлат иқтисодиёт университети борганимда, у ердаги шарт-шароит, энг илғор ва замонавий технологияларнинг барчаси муҳайё этилганидан катта таассурот олдим. Талаба-ёшларнинг хориждаги мутахассислар билан таржимонсиз бемалол гаплашганларидан хурсанд бўлиб кетдим. Мана шу ҳолатнинг ўзиёқ

ёшларнинг истикболи ёруғ эканидан далolat беради. Юртингизда таълим тараққиёти изчил давом эттирилмоқда деб айтишга барча асослар етарли. Шаҳару қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантиришда ижтимоий иншоотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилётгани бун-

Ta'kid



да муҳим омил бўлмоқда, албатта. Дунёнинг кўплав давлатларида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда бундай тажрибадан ўрнак олса арзийди.

ТДИУнинг профессор-ўқитувчилари 2006 йилдан буён «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг ўқув жараёнида педагогик технологияларни такомиллаштириш ва жорий этиш бўйича лойиҳаларида фаол иштирок этиб, педагогик грантларга сазовор бўлиб келаётгани бежиз эмас. Қувонарлиси, мазкур таълим муассасаси устоз-мураббийлари бу борадаги эзгу аънани изчил давом эттиришмоқда.

Ҳозирги кунда жамғарма




педагогик грантлар, таълим грантлари, спорт грантлари дастурлари, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури, анъанавий ҳунармандчиликни ривожлантириш учун грантлар, Ўзбекистондаги ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш грант дастури, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури, ижтимоий соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш учун муқобил энергия манбалари ташаббуси каби лойиҳаларни кенг қўламда амалга ошириб келмоқда. Айниқса, педагогик грантлар дастурига бўлган қизиқиш йилдан-йилга ошиб бораётир. Зеро, унинг асосида педагогик фаолиятни янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш, таълимнинг услуб ва усулларини мукамаллаштириш, шунингдек, ижодий изланишларга туртки бериш, халқ таълими тизими педагогларини грантлар ажратиш орқали моддий қўллаб-қувватлашдек эзгу мақсадлар турибди. Аини чоғда лойиҳа — таълимнинг барча босқичларини ўзида қамраб олган. Иштирокчилар ва солиблар сони йилдан-йил-

га ортиб бораётгани эса, албатта, қувонарлидир. Лойиҳа илк маротаба ўтказилган 2006 йил билан қиёслаганда, иштирокчилар сони 121 нафардан 1470 нафарга кўпайган. Бугунги кунгача 299 нафар педагог грант эгасига айланганини ҳам қайд этиш лозим.

Бу йилги солиблар орасида биз ҳикоя қилаётган олий таълим маскани вакиллари ҳам бор. Университетнинг илмий ишлар бўйича проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Баҳодир Бегалов, «Иқтисодий таҳлил ва аудит» кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор Баҳодир Ҳасанов, «Ташқи иқтисодий фаолият» кафедраси катта ўқитувчиси Баҳор Ҳамроева, стажёр-тадқиқотчи-изланувчи Равшан Аҳмадхўжаев ана шундай номга сазовор бўлишди. Бу эса Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоаси юртимизда таълим соҳаси ривожини учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб келаётганидан далolat беради.

А.ҲОШИМОВ,
иқтисод фанлари
доктори, профессор



ТАСАВВУРНИ ЖОНПАНТИРИШ САНЪАТИ

Қаршингизда оппоқ қоғоз. Ёнида — рангли қаламлар. Қоғоз шундай бир имкониятки, ҳаёлингиздаги бор тасаввурларни туширишингиз мумкин. Оқ қоғоз чексиздек, чегарасиздек кўринади. Рангли бўёқлар тасвирга гўё жон киритади...

Ҳаёлдаги тасаввурни қоғозда жонлантириш биз ўйлаганчалик осон эмас. Негаки, у — санъат, тасвирий санъат!

Олмазор туманидаги 16-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси Зулайхо Ҳошимова ўқувчиларнинг эстетик дидини тарбиялаш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келаётир. Ўн беш йилдан бери болаларнинг тасаввур олами кенгайтириш, уларни тасвирий санъат оламига олиб киришга интилади.

— Асосан, «Балик», «Мойчечак», «Зиг-заг», «Чархпалак» каби методлар жуда яхши самара беради, — дейди Зулайхо Ҳошимова. — Болаларни кўпроқ тасаввурни эркин ифодалашга ўргатаман.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Дўкон пештахтасида «Сунъий асал» ёзуви идиш турарди. Нархи 1300 сўм.

— Асалнингизни кўрсанг бўладими? — деб сўради харидор аёл.

— Бу асал эмас, шакар қиёми, мана, кўришингиз ҳам мумкин! — сотувчи товарнинг «айб»ини яширмасдан харидорга узатди.

— Шакар қиёми бўлса, нега асал деб ёзилади, тавба? Шунга нархи арзон экан-да!

— «Сунъий» деган сўз турибди-ку, опа! Шунинг ҳам фаҳмига бормадингизми? — сотувчининг яна энсаси қотди. — Буни пиширикларга олишади, тоза асални ишончли жойдан, кўриб-билиб харид қилишингиз керак.

Сотувчи ва харидор ўртасидаги суҳбат шу билан якун топди.

Дарвоқе, инсон саломатлигида катта роль ўйнайдиган шифобахш ширинлик — асал ҳақида турли гап-сўзлар юрди. Асаларичиликнинг бой тарихи, ўзига хос сирлари, етиштириш технологияси мавжуд. Буни ҳамма ҳам билавермайди.



Фаройиб ўтмиши

Асаларичилик тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Айтишларича, Миср фиръавини Тутанхамон хилхонасидан асал солинган идиш топишган экан. Орадан уч минг йил ўтса ҳамки, асал бузилмасдан сақланган. Бу асл айнимас, деган фикрнинг исботидир. Қадимги Миср табобатида асал ва мумдан шифо учун фойдаланишнинг 500дан ортик рецепти ҳавола қилинган. Қадимги Хитой ва Юнистон табиллари асалари захрининг солиққа фойдали эканини турли муолажа усуллари орқали исботлашган. Яна бир ҳақиқат—асалари билан «яшаётган» кишилар бод касаллигига учрамас экан.

Одамзот учун мўъжиза яратади

Асалари меҳнаткашлик, заҳматкашлик ва сабр-тоқат бобида бизга ибрат бўла олади. Унинг бутун хатти-ҳаракатларида одамзот учун мўъжиза яратиш, унга қувонч бахш этишдек «иш»ни кўришимиз мумкин. Ҳашаротнинг бу туридан фарзандларимизни хабардор қилиш мақсадида умумтаълим мактабларининг 7-синфи «Зоология» дарслигига «Пардақанотлилар туркуми» мавзуси киритилган. Уни ўрганиш ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Тошкент шаҳридаги 227-умумтаълим мактаби биология фани ўқитувчиси Матлуба Файзиева мавзунинг ўрганишга қўйилган таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадни қуйидагича изоҳлайди:

— Мактабимизда 3та 7-синф бор. Ўқувчиларга ушбу мавзунини ноъанъанавий усулда ўтатман. Синф ўқувчиларини ёлпасига «асалари оиласи» деб эълон қиламан. Қизлар орасидан энг фаолини танлаб олиб, она асалари деб таништираман. Эркак асаларининг вазифаси ишчи асалари оилани моддий жиҳатдан фаровон қилувчи куч эканини ўқитиш. Ўқувчиларнинг асалари оиласи аъзолари ролини ўйнашга астойдил қизишгани менга заҳв бағишлайди. Мавзунинг ўрганиш учун қўйилган таълимий мақсадда оила аъзолари сони, ҳар бир асалари зиммасига юклатилган масъулият ҳақида тушунча берсам, тарбиявий мақсадда асалари ўз меҳнати билан ҳаммани хайратга солувчи мўъжиза яратиши ҳақидаги ҳақиқат ойдинлашади.

СИР-СИНОАТГА БОЙ ЖОНЗОТ

Ривожлантирувчи мақсадда эса асалари ҳаёти илмий жиҳатдан асослаб берилди. Яъни, пардақанотлилар туркумига кириши, тумшуги билан бол йиғиб келиши, йил фаслларини танлаши, нектар(гулшира)ни қайта ишлаши каби жараёнлар тўғрисида маълумот келтириш. Мавзунинг мазмун-моҳиятини шу тарика ўрганиб бўлганимиздан сўнг ҳар бир синф ўқувчиларига, аввало, дарслик асосида концепт, асалари ва оддий арининг турмушимизда, биологик хилма-хиллики сақлашдаги ролига оид ёзма иходиий иш ёзиб келиш топширилди.

Технологиясидан хабардормисиз?

Мутахассислар асаларини уч жинсли ҳашаротлар таркибига кириштилади. Ургочиси (яъни, "подшо"си) бир оилада битта бўлади, иккинчи она ари пайдо бўлишига йўл қўйилмайди. Суткасига 1500—2000 дона уқўяди. Эркак арилар эса нисбатан кўп учрайди, ягона вазифаси эса ургочисини урчиштидан иборат. Аммо уларга доим ҳам "иш" топилавермайди, чунки бир марта урчиган она ари умрининг охиригача уруғ беради. Шу боис эркак ариларни "текинхўр" дейишади. Энг кўп тарқалган, гулдан-гулга қўниб юрганини ҳаммамиз кўрган ишчи арининг эса жинси галати — ҳам эркак, ҳам ургочи. Улар фақат она ари бўлмаган, уни етиштиришнинг имкони йўқ вазиятда уруғ қўяди. Афсуски, бу уруғлардан фақат эркак ари чиқади ва... уяда "молиявий инқироз" юз беради, бора-бора барча арилар ҳалок бўлади... Асаларичиликнинг бутун сирасорини асалари боқадиган кишилар яхши билишади.

— Эрта баҳорда қутиларини очиб тозалаш, зарур вақтда шакарли сув билан озиклантириш ва арилар қўнайишига имкон яратиш керак, — дейди **Жиззах вилоятининг Жиззах туманида истикомат қилувчи табиркор Хасан Жабборов**. — Апрель-май ойларида асалари қутиларини далага — тоғ ёки даштта олиб чиқамиз. Табиий ўт-ўланлар қовжирай бошлашга, июнь-июль ойларида чўлга — экин майдонларига элтамиз. Кузда эса уйга қайтариб келиниб, киш мавсумига тайёрланади: овқат захираси ярати-

либ, ариларни совуқ ва намгарчиликдан асраш учун уялари яхшилаб ўралади. Озиғи етарли бўлмаса, январь-февраль ойларида ҳаво сал илби қолса, қўшимча асал берилади. Ниҳоят, арилар эсон-омон баҳорга чиқиб олади.

Асаларичиликдан асосий маҳсулот — асал, шунингдек, гулчанги, мум, асалари елими (прополис) ва захри ҳам олинади. Арилар мумдан ин қуришда фойдаланади, прополис эса кузда туркишларни беркитиш ва ичкарида иссиқликни сақлаш учун ишлаб чиқаради. Гул чангини асалга аралаштириб, «бола»ларига сут тайёрлаш учун йиғишади. Табиий асал нектарини қайта ишлаш натижасида пайдо бўлади. Арилар табиятдан ширани йиғиб келиб, инининг каттакчаларига

кўра, асаларичилик билан шуғулланаётган табиркорлик субъектлари 7010тага етган. 252 мингта асалари оиласи ташкил қилиниб, 3804 тонна маҳсулот халқимиз дастурхонига тортиқ этилди. Ҳозир Тошкент шаҳрининг йирик ва гавжум бозорларида фақат асал сотиладиган савдо расталари бор. Бозор санитария, ветеринария ходимлари томонидан ҳар бир маҳсулот, жумладан, асал лаборатория текширувидан ўтказилиб, сотувга чиқарилади. Текширишда унинг сифати, умумий стандартларга мослиги аниқланади.

Асаларичилик ҳўжаликлари-ни асосий озуқа базаси — шакар ҳамда 15 хилдаги зарурий асбоб-ускуна билан таъминлаш — биринчи галдаги вазифамиз. Яшиқ, юзга тутилдиган ҳимоя



тўри, искана, чўтка, тутаткич, она ари каттакчаси, электр пичоқ каби буюмлар ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Соҳа ходимлари ўртасида рақобат муҳитини вужудга келтириш учун кўргазма ва танловлар уюштириш, энг яхши иш тажрибаларини ўрганиш масаласи кун тартибига қўйилляпти. Бу йил мутахассисларимиздан бир гуруҳи Бошқирдистон Республикаси асаларичилари иш тажрибаси билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Тоza асалнинг белгилари

Кимдир сизга асал тавсия қилса, албатта, шубҳа билан қарайсиз: тозамни ёки аралашмамини, деган савол қўнглингиздан ўтади. Тўғри-да, пулингизга харид қилган, маҳсулотнинг қафолати ҳам керак. Сифатли маҳсулот билан сохтаси ўртасидаги тафовутни асаларичилардек ҳеч ким билмаса керак. Тоza асални қандай фарқлаш мумкин, деган саволга **Қашқадарё вилояти Китоб туманининг Алишер Навоий номидаги жамоа ҳўжалигиде асаларичилик билан шуғулланиб келаётган Бекмурод Рўзиев** шундай жавоб беради:

— Асалнинг тозаланини кўрсатувчи белгилардан бири

Тадқиқотчилар она сайёрामизда асаларининг ўрнини бошқа ҳеч нарса боса олмаслигини улар кескин камаё бошлаган пайтда аниқлашга муваффақ бўлдилар. Асал табиий неъмат бўлгани учун ҳам уни доимо истеъмол қилишнинг роли катта. Агар асалари ўзига жалб қилувчи, хушбўй хид таратадиган дарахт ва гуллардан нектар йиғмаса, уларнинг чанглиниш жараёни пассив кечади, демак, ҳосил яхши бўлмайди. Кўриниб турибдики, асалари инсониятга фақат асал тортиқ этиш учун эмас, балки табиятдаги мувозанатни сақлаш учун ҳам керак.

Хулқар ТўЙМАНОВА

Bilasizmi?

унинг ҳиди ва рангидир. Ундан хушбўй ва ёқимли хид таралади. Ибн Сино «Асалнинг энг яхшиши ширин мазали, ёқимли хидли, бироз ўткирлиги бор, қизғиш рангли ва суяқ бўлмай, узилмайдиган ёпишқоқ бўлганидир», дея таъриф берган. Тоza асалнинг таъми сал нордон бўлиб, татиб кўрганда димоқни қитиклаб, қичиштиради. Рангсиз, оч сариқ, қаймоқранг, тиниқ сариқ, тўқ сариқ, қизғиш тоб, қизғиш, шунингдек, қаҳваранг асал ҳам сотувда кўп учрайди. Энг тоza асал оч олтин рангда бўлиб, илиқ сувда эритилса, бўтана кўринишга келади. Асални эритиш шифобахшлик хусусиятларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Етилган асал бир маромда кристаллашади, устки қисмидан бошлаб эриб келади. Агар маҳсулот намлиги ва ҳарорати юқори бўлмаган жойда сақланса, қишда пичоқ билан кесиб олиш ҳам мушкул. Нималардир омухта қилинган асал эса қишда қотмайди, суяқ кўринишда сизни ўзига ром этган маҳсулотни харид қилиш керак эмас. Энг яхши вариант — шубҳа ва иккиланиш сизни қийнаса, экспортидан ўтказилган ёки энг ишончли асаларичидан асал сотиб олганингиз маъқул.

Шифобахшлик хусусияти ўзгача

Ота-боболаримиз она табиятни «бош шифокор» дея бежизга айтмаганлар. Борлиқ — ер, сув, тупроқ, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси каби унсурлар она табиятнинг азалий устундир. Инсон улардан оқилона фойдаланиб, ҳаёт кечиради, саломатлигини сақлашда, турмуш тарзини тўғри ташкил этишда уларни бош омига айлантиради. Табиатдан бол йиғиб, одамзотга шифобахш неъмат — асал тортиқ этувчи асалари ҳам табиятнинг шундай мавжудотларидан бири. Азал-азалдан асални меъёрида, касаллик турига қараб истеъмол қилиш ҳақида халқ табобатининг оқилона кўрсатмалари вужудга келган. Бугунги кунда замонавий тиббиёт ҳам асал таркибиде энг шифобахш моддалар борлигини тасдиқлайди.

Феруза Махмудова, олий тоифали шифокор, терапевт:

— Асал таркибиде 300дан зиёд фойдали модда борлиги аниқланган: органик кислоталар, минерал тузлар, углевод ва витаминлар. Бу ширинлик организмга қарийб 100 фоиз сўрилади. Глюкоза, сахароза, фруктоза, мальтоза каби озиқ моддаларни иложи борица асал орқали истеъмол қилиш керак. Тоza асал организмни ёш ва соғлом сақлайди. Иссиқлик бўлгани учун кўпроқ қишда ёйиш тавсия қилинади. Ҳозирги «иликузилди» даврда кам-камдан асал истеъмол қилиш витаминлар танқислигининг олдини олади, иммунитетни мустаҳкамлайди. Айниқса, бу шифобахш неъматни 45 ёшдан ошган кишилар меъёрида, яъни кунига бир чой қошиқ ёки юришса, қувват бахш этади.

Кўплаб тадқиқотчилар асосан техника ва технологиялар соҳасидаги ихтироларга эътибор қаратаётган пайтда бир гуруҳ олимлар океан ҳаёти, хусусан, дельфинларни ўрганиш бўйича илмий изланиш олиб боришди. Натижада бир қанча янги маълумотларга эга бўлишди.

Дельфинлар азалдан инсонларни қизиқтириб келган. Мутахассисларнинг фикрича, бунга сабаб мазкур сув ҳайвонларининг баъзи жиҳатлари инсонларникига ўхшашигидир экан. Кузатувлардан маълумки, дельфин жуда тез ва яхши сузади. Бундан ташқари, улар ҳидни яхши сезиш қобилиятига эга ва ўткиркўз бўлади. Дельфинлар ўйинқароқлиги, қизиқувчанлиги ва ўзаро аҳиллиги билан ҳам машҳур.



Tabiat va biz

ганида ўзининг қаердалигини билдириш учун овоз чиқарар, жавоб товушини эшитган дельфин радиоканрайлар олдида келиб, эшитилаётган товушга навбат билан жавоб қайтариб, яна кутиб турарди. Шундай қилиб, бири «гапирар», иккинчиси эшитиб туриб жавоб берарди.

Дельфинларнинг телефон орқали илк суҳбати салкам бир соатга чўзилди. Дастлабки дақиқаларда уларнинг ҳар бири ўз «ном»ини айтиб, шेरинини излаб кетар, лекин бу узоққа чўзилмас, товушлари бир-бирига аппарат орқали эшитилаётганини сезиб қолишарди. Энг муҳими, улар «одоб» билан «суҳбатлашиб», «гурунг» давомида бири иккинчисини бўлмай тинглар, шеригининг «гап»и тугагандан кейингина ўз «фикр»ини айтарди.

Маълумки, дельфинлар «суҳбат»и қақариш ва жавоб беришдан бошланади. Океан-нортелик мутахассислар Т.Лэнг ва Х.Смитнинг бу соҳада ўтказган тажрибалари диққатга сазовордир. «Лента» манбасида ёзилишича, улар Дорис ва Дэш лақабли иккита ҳар хил аквариумдаги дельфинлар «суҳбат»ини ёзиб олишган. Тўрт ойдан кейин Дэш ҳовузга қўйиб юборилган, Дориснинг тасмага ёзиб олинган товуши эшитилган. Ургочи дельфин — Дэш Дориснинг овозини эшитиб, жуда севинган ва жавоб қайтарган. Дорис бундан тўрт ой муқаддам ёзиб олинган суҳбат вақтидагидек етти марта хуштак чалган. Аммо Дэш бу хуштакка негадир жавоб қайтармай жим тураверган. Тажриба яна икки марта такрорланган. Шунда ҳам, «суҳбат» юқорида айтилган вазиятга келганда Дэшнинг ҳафсаласи пир бўлиб, «гапирмай» тураверган. Мухандислар олинган натижаларга асосланган ҳолда Дориснинг айтган гаплари ҳозир Дэш учун ўз аҳамиятини йўқотган, деган хулосага келдилар. Бу тажрибалар дельфинлар ўзаро сўзлашади, деган тахминни исботлади.

Инсоннинг энг паст товуши ҳам дельфинларга момақалди-роқдек қаттиқ эшитилгани боис, бундай шовқин уларга салбий таъсир кўрсатар экан. Шунинг назарда тутилган америкалик тадқиқотчи У.Батто махсус электрон аппарат ёрдамида ўз овозини ниҳоятда паст даражада магнит тасмасига ёзиб олганида худди дельфинларникидек чийилганган товуш ҳосил бўлган. Бу товуш дельфинларга эшитилганда улар дарҳол жавоб қайтарган. У.Батто дельфинлар жавобини кишилар сўзлашадиган тезлик даражасида бошқа аппаратга ёзиб олган. Маълум бўлишича, дельфинлар товуш сигналларини аниқ такрорлаш билан бирга, уларни эсида тез сақлаб қоларкан. Бунинг учун улар билан 15–20 марта машқ қилиш kifoya.

Ҳозирги кунда олимлар дельфинларнинг зехни ўткирлиги ва тез фикрлашини эътиборга олиб, улар учун алоҳида товуш луғатини яратиш борасида тадқиқотлар олиб боришмоқда. Негаки, кўплаб изланишлар ўтказилганига қарамай, дельфинларнинг айрим жиҳатлари олимлар учун ҳамон жумбоқлигича қоляпти.

Олимжон ДЕҲҚОНОВ,
Фаргона вилояти Фурқат туманидаги 17-умумтаълим мактаби директори ўринбосари

ДЕЛЬФИН БИЛАН "СЎЗЛАШУВ"

бунинг учун 15-20 марта машқ қилиш kifoya

XX асрга келиб, дельфинлар мияси инсонники каби катта ва мураккаб экани, бошқа жонзотларга нисбатан ривожланган аниқланган, улар билан мулоқот ўрнатишга сай-ҳаракатлар бошланди. Биологларнинг сўзларига кўра, дельфинлар бир қанча ажойиб хислатлари — шароитга осон мослашиш, одамлар билан яхши мулоқот қила олиши, қўлга тез ўрганиши билан инсонларда катта қизиқиш уйғотади ва шунинг учун ҳам улар доим тадқиқотчилар диққат марказида. Қобилиятлилиги билан бошқа ҳайвонлардан устун турадиган дельфинларни денгиз ва океан тубини текшириш, одамларни наҳанглардан қутқариш, ғарқ бўлган кемаларни излаб топиш, чўкаётган инсонларни қутқаришга ўргатиш мумкин. Бундай ҳолатлар кўп кузатилган.

«Компьюлента» манбасида келтирилишича, 1827 йили немис физиолог М.Тидеман илк мартаба дельфин миясини текширганида ҳайратда қолган. Чунки ушбу сув ҳайвони мияси маймунникидан ҳам катта бўлиб, салкам одам мияси билан тенг экан. Швейцариялик профессор А.Портман Ер юзидagi тирик жонзотларнинг ақлий қобилиятлари бўйича ўтказган изланишида эса дельфин фил ва маймунни ортда қолдириб, 190 балл тўплаган ҳолда (шубҳасиз, инсондан кейинги) юқори ўринлардан бирини эгаллаган.

Сўнгги вақтларда дельфин миясини ўрганишга жиддий киришилди. Хусусан, Европа тадқиқотлар маркази мутахассислари томонидан ўтказилган изланишда инсон ва дельфин мияси солиштирилиб, одамнинг мияси ўртача 1,4, мазкур сув жонзотиники эса 1,7 килограмм бўлиши аниқланди. Эътиборлиси, дельфиннинг мия қобиғидаги бурма-бурмалари икки баробар кўпроқ экан. Дельфинларнинг ўта зийраклиги ва тез фикрлаш қобилияти шундан, деган фикрлар ҳам бор. Қолаверса, дельфинларнинг бир-бири билан гаплашиши ва ахборот алмашиши имконини берадиган ўзига хос «тил»и борлиги ҳам эътиборга молик. Шу боис мутахассислар уларнинг океан тубидаги нефть, кўмир ва олмос каби фойдали қазilmалар конларини топишда ёрдам беришига умид қилишмоқда. Тез ва усталик билан суза олиш хусусияти дельфинни ҳаттоки сув ости кемаларидан ҳам устун бўлишига замин яратишини мутахассислар эътироф этишмоқда.


«Википедия» манбасида келтирилишича, дельфинлар сувда қандайдир бир йўл билан ўз ҳаракатини тезлаштириб, соатига 50 километрдан юқори

суръатда суза олади. Сувнинг ҳавога қараганда 800 барабар зичроқ экани ҳисобга олинса, бу айрим шароитларда учинчи космик тезликда ҳаракатланишга тенг. Маълумот ўрнида айтиш зарурки, Ердан учирилган космик аппаратнинг Қуёш тизимининг тортиш кучи таъсирини енгиб ўтиб, ундан чиқиб кетиши учун талаб этиладиган минимал тезлик илмий тилда учинчи космик тезлик дея аталади. Лекин учинчи космик тезликда ҳаво ҳам сувдек ёпишқоқ бўлиб қолади. Шу боис ракетасозлар дельфиннинг тез ҳаракатланиш сирларини билишга қизиқиш-

метр масофадан аниқлашга, ўта лойқа сувдан ҳам озуқа топишга, айна пайтда тўқнашиб кетмасликка имкон яратди. Дельфин локатори энг такомиллашган замонавий гидролока-тордан бир неча мартаба афзалдир. У уч километр наридаги балиқлар тўдасини пайқайди, уларни ахрата олади. Диаметри бир-биридан 4-5 миллиметр фарқ қиладиган шарларни адашмай саралайди. Дельфин лойқа сувда ўлжасини кўрмаса ҳам, бехато топиб олади. Агар сувга ўнлаб таёқлар тик қадаб қўйилса, дельфин уларга тегиб кетмай ора-ларидан тез сузиб ўтаверади.

натижаси дея таъкидлашмоқда.

Дельфин — фаросатли жонзот. У ёқимли садони ёқимсизига нисбатан юз барабар суст бўлса ҳам дарҳол сезади. Ҳолбуки, замонавий локаторлар товушнинг тиниқ эшитилишига ҳалал берувчи шовқин зарур сигналдан 2-3 барабар ошиб кетсагина, сеза олиши мумкин. Дельфиннинг ақлбодар қилмас қобилиятларидан яна бири шуки, у табиий локатори ёрдамида тева-рак-атроф манзарасини кўзи билан кўргандек аниқ тасаввур этади. Дельфин ўзи турган жой ва унинг атрофи ҳарита-сини доимо кўз ўнгиди тур-



моқда. Дирижабль усталари ҳам дельфиннинг тана шакли ва ҳаракат усулидан фойдаланишга уринишяпти. Боиси, у сузганида танасининг қуйруқ қисми сузгичига урилишдан ҳосил бўладиган тўлқиндан ҳам унумли фойдаланади. Сузгич унинг икки ёнига урилиб, ўзига хос тўлқин парраги ҳосил қилар экан.

Дельфиннинг ана шу ҳаракати «Учар дельфин» деб аталувчи янги дирижабльнинг яратилишига асос бўлган. Германиялик муҳандислар В.Шмидт ва У.Квек лойиҳалаштирган «Учар дельфин» дирижабли соатига 500 километр тезликда учади ва турли мураккаб ҳаракатларни бажара олади.

1948 йили австралиялик зоолог Г.Макбрайд дельфинлар кечаси ҳам балиқчилар тўрини лойқа сувда бўлса-да, кўра олишини аниқлаган. Тадқиқотчиларнинг айтишича, дельфиннинг жағида ва жағ ўртасида, шунингдек, бош суягининг олдинги ботик қисмида бўртиб чиққан аъзоси улар учун билинар-билинмас товушларни ҳам эшитадиган аппарат вазифасини ўтайди. Овоз тўлқинларини қучайтириб беришга ўзига хос бу локатор товуш сигналларини дельфиннинг эшитиш аъзосига етказиб беради. Бу сувдаги ёнғокдек нарсаларни ҳам 15

Шу ўринда баъзи қизиқ маълумотларга эътибор қаратсак. Америка сувошти экспедицияси аъзолари сафида Таффи исмли дельфин ҳам бўлган. У ҳабарчи ва йўл кўрсатувчи вазифасини бажарган, асбоб-ускуналарни сувоситидаги белгиланган ҳудудга етказиб беришга кўмаклашган. Агар акванавтларнинг бири адашиб, йўлини йўқотса, Таффи нейлон богич билан ёрдамга шошиб, унинг йўлини тўғрилаб қўйган. Инглиз денгизчилари Жек лақаби билан атаган яна бир дельфин 25 йил давомида хавфли Янги Зеландия бўғозиди маҳорат билан кемаларга йўл кўрсатган.


Яқинда эса океанортидаги Майами денгиз аквариумида ҳам ажойиб ҳодиса содир бўлди. Бу ерга қўлга ўргатиш учун океандан бир неча дельфинлар келтирилди. Уларга яқин жойда илгари қўлга ўргатилган дельфинлар сузиб юрганди. Ҳайвонлар бир-бирини кўрмаса-да, улар ўртасида мулоқот ўрнатилиб, кечаси билан сув ҳавзасидан тушунарси товуш ва шовқин эшитилиб турган. Эрталаб эса ажойиб ҳолат кузатилиб: янги келтирилган дельфинлар уларга ўргатилиши лозим бўлган барча ҳаракатларни бажаришни бошла-ган. Мутахассислар бу сув жонзотларининг ўзаро мулоқоти

гандек тасаввур қилади. Қолаверса, ўз товушини бевосита тасвирий образга айлантиради ва ҳамсуҳбатига ҳар қандай вазиятни локатори ёрдамида тасвир шаклида узата олади.

Олимлар дельфинларнинг «тил»ини тушунишга, улар билан бевосита мулоқот ўрнатишга ҳаракат қилишмоқда. 1961 йили америкалик олим Жон Лилли ўзига хос тажриба ўтказди: иккита дельфини телефон орқали «сўзлаштирди». Олим бу билан жониворлар бир-бирига сигнал бермаслигини, балки бир-бири билан худди одамлардек гаплашишини исботламоқчи бўлди. Тажриба Кариб денгизидидаги Сент-Томас оролида жойлашган Мулоқот воситаларини ўрганиш институтида ўтказилди. Тажриба ўтказиш жойи сифатида бир-биридан анча узоқ масофада жойлашган иккита ҳовуз танланди. Мухандислар ҳовузаларнинг деворларига микрофони радиоканрай ўрнатишди. Телефон симлари институтининг марказий станцияси орқали ўтказилган бўлиб, олимлар дельфинларга кўринмай туриб уларнинг «сўз»ларини эшитишган. Ҳар бир ҳовузга биттадан дельфин қўйиб юборилган, улар ҳовуз ичиди сузиб юриб товуш чиқара бошлашди. Одатда дельфин ёлғиз қол-

ОКЕАН БИР АСРДАН БЕРИ ИСИБ КЕЛМОҚДА

Ўтган асрнинг 70-йилларида дунё океанлари ҳолати ҳақидаги маълумотлар таҳлил этилганда сўнг сувнинг исиси салкам 100 йилдан бери кузатилаётгани аниқланди. «Табиий иқлим ўзгариши» («Nature Climate Change») журналида мавзуга оид мақола чоп этилди.



ри қатламда энг баланд кўрсаткич — 0,59 даража қайд этилган.


Таъкидланишича, бундай изланиш илк маротаба ўтказилмоқда. Шу пайтгача ҳеч ким 1872—1876 йиллари «Челленжер» кемаси экспедиция пайтида ва бугунги кунда глобал миқёсда амалга оширилаётган «Арго» дастури доирасида олинган маълумотларни таққослаб кўрмаган. Олимларнинг сўзларига кўра, биринчи босқичда «Челленжер» экспедицияси пайтида олинган 300та сув намуналари таҳлил этилган. Сўнгра улар «Арго» дастури доирасида олинган намуналар билан солиштирилган. Ушбу дастур бўйича 3 500та ускуна ёрдамида ҳар ўн кунда океанлар суви ҳарорати ва шўрлик даражаси аниқланади.

КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ МАРКАЗ

Европа Комиссияси интернет жиноятлари ва ноқонуний онлайн фаолиятга қарши курашувчи махсус марказ ташкил этишни режалаштиратганини маълум қилди. Бу ҳақда «Компьюлента» манбасида хабар берилди.

Таъкидланишича, мазкур янги тузилма Европол — Нидерландиянинг Гаага шаҳрида жойлашган Европа Иттифоқи полиция хизмати таркибига киритилди. Ушбу муассаса-нинг асосий вази-фалари халқаро миқёсдаги уюшган жиноятчиликка қарши курашишда миллий хавфсизлик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ахборот алмашинувини яхшилашдан иборат бўлади. Еврокомиссия мутахассислари сўзларига кўра, сўнгги йилларда кенг қўламли киберхуружлар шу даражада пухта режалаштирилмоқдаки, асосий молиявий тизимларга жиддий хавф тугдирыпти.

Кибержиноятчиликка қарши марказ ходимлари биринчи галда эътиборни банк ва пластик карталар фибригларига қарши курашишга қаратиши кутилмоқда.



ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим муассасалари 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олишни ташкил этиш, республика миқёсида битирувчилар ҳақида маълумотлар банкни яратиш мақсадида электрон маълумотлар база дастури яратилди.

Ушбу дастур www.uzedu.uz таълим порталида «БТИРУВЧИ — 2012» номи билан жойлаштирилган.

Дастурни интернет тармоғидан тўғридан-тўғри www.mb.uzedu.uz манзили орқали кириб кўриш ҳам мумкин.

Кенг жамоатчиликнинг электрон базадан фойдаланишини қулайлаштириш учун «Statistika», «АЛ ва КХКлар ҳақида маълумотлар», «Битирувчи форуми», «tashxis.uz» бўлимлари ташкил этилди.

Фарзандимизнинг касб танлашига беэтибор бўлмайлик!



ГАЗЛИ ИЧИМЛИКНИНГ ЯНА БИР ЗАРАРИ

Австралиядаги Вестмид Милле-ниум тиббиёт институти олимлари кенг қўламли изланиш ўтказиб, ҳар кунги бир шишадан ортиқ газли ичимлик истеъмол қилиш ўсмирларнинг кўз ботиғида артериялар торайишига олиб келиши-ни аниқлашди. Бу эса кейинчалик юрак касалликлари ривожланиши ва қон босими ошишига сабаб бўлади. Бу ҳақида «Ассошиэтед Пресс» ахборот агентлиги хабар берди.

Тадқиқотга салкам 2 минг нафар 12 ёшли ўсмир жалб этилиб, уларнинг кўз ботиғи текширилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўз ботиғида қон томирлари тизимининг меъёрида ишлашини тегизла-тириш зарур.



Таъкидланишича, бундай изланиш илк маротаба ўтказилмоқда. Шу пайтгача ҳеч ким 1872—1876 йиллари «Челленжер» кемаси экспедиция пайтида ва бугунги кунда глобал миқёсда амалга оширилаётган «Арго» дастури доирасида олинган маълумотларни таққослаб кўрмаган. Олимларнинг сўзларига кўра, биринчи босқичда «Челленжер» экспедицияси пайтида олинган 300та сув намуналари таҳлил этилган. Сўнгра улар «Арго» дастури доирасида олинган намуналар билан солиштирилган. Ушбу дастур бўйича 3 500та ускуна ёрдамида ҳар ўн кунда океанлар суви ҳарорати ва шўрлик даражаси аниқланади.

ҚАХВА ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ — САРАТОНГА ДАВО

Жисмоний машқларни бажариш кофеин истеъмол қилиш билан бирга кечса, тери саратонининг олдини олиши мумкин экан. АҚШдаги Ратжерс университети тиббиёт факультети тадқиқотчилари шундай хулосага келишди. Мазкур хатти-ҳаракатлар семириш билан боғлиқ онкологик касалликлар ривожланиши-нинг ҳам олдини олади, дейилади «ФизОрг» манбасида.

Тадқиқотда тери саратони хавфи бўлган организм маълум миқдордаги қахва истеъмолидан сўнг фаол жисмоний ҳаёт тарзига амал қилса, бошқаларга нисбатан 62 фоиз касалликдан фориғ бўлиши қайд этилди. Қолаверса, бу ҳолат вазн камайиши ва шамоллашни йўқотишга ҳам туртки бўлар экан. Кузатувлар бундай вазиятда ҳаттоки ўта ёғли овқатлар истеъмол қилиб турилса ҳам, организм 63 фоизгача ёғ қатла-мидан халос бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Эътиборлиси, саратон аниқланган тақдирда ҳам, ўсманнинг ривожланиши анча тўхташи мумкин экан.

Олимларнинг фикрича, биринчи галда организмдаги шамоллашнинг йўқолиши бунга сабаб бўларкан.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



Германиянинг «Велт» нашрида ёзилишича, мамла-катдаги Эльба дарёсида йи-рик юк ташувчи кемаларнинг эр-кинроқ ҳаракатланиши учун 130 километрга тенг қисмида сув ҳав-заси тубини чуқурлаштириш иш-лари бўйича лойиҳа тасдиқланди, уни амалга ошириш учун 400 мил-лион евро сарфланиши кўзда ту-тилган.

Буюк Британиянинг «Бритиш Петролиум» компанияси 2010 йилнинг баҳорига Мексика кўрфазидagi нефть платформа-сида содир бўлган техноген ҳалокатдан жабр кўрганларга бадал пулини тўлаш мақсадида ушбу кўрфаз ва бошқа худуд-лардаги бир нечта конларини сотишини маълум қилди.

Халқаро археологлар гу-руҳи томонидан Грециянинг Сан-торини оролида Миноя цивилиза-цияси даврига (милoddан аввалги 2600—1450 йиллар) оид, XVII аср-да вулкон отилиши натижасида вайрон бўлган қадимий Акротири шаҳри қолдиқлари аниқланди.

Шимолий Корея ҳукумати мамлакат худудидан космосга учирилган, бортида сунъий йўлдош бўлган ракета ҳавога чиқарилган, 1 дақиқадан сўнг парчаланиб кетгани ва океанга кулаб тушганини расмий ра-вишда маълум қилди.

«DOGSHEN-TEXNO-SERVICE» масъулияти чекланган жами-яти ўз фаолиятини тугатган-лигини маълум қилади. Давволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой даво-мида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбарияти Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бошқармаси бош мута-хассиси Шавкат Мирзамухамедов-га волидаи муҳтарамаси

ДИЛБАР аянинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

реклама * реклама * реклама * реклама * реклама * реклама * реклама

«STEEL PANTERA» МЧЖ ЯНГИ АУДИО-АЛЬБОМЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

Зулхумор Мўминова ижросидаги
«Шарқ эртаклари»
янги аудиоальбоми
сотувга чиқарилди.

Шунингдек, сиз дўконларимиз тармоғидан «Ўзбек халқ эртаклари»,
Фафур Фуломнинг «Шум бола»
асари ва бошқа аудиоальбомларни
харид қилишингиз мумкин.



Бизга қуйидаги телефон орқали мурожаат қилинг.
(+99871) 245-70-86.

«Олтин беланчак» саҳифаси

Навоийда марҳум ўқитувчи Иброҳим Зайнутдиновнинг оилавий сулоласи-ни кўпчилик яхши билади, ҳурмат қилади. «Файзли хонадон»нинг бугунги меҳмони домланинг ўгли, самарали меҳнатлари учун II даражали «Соғлом авлод учун» ҳамда «Фидокорона хизматлари учун» орденлари билан тақдирланган Шухрат Зайнутдинов ва халқ таълими аълочиси Дилбар Аҳмедовалар оиласи. Улар бир жамоада — Кармана туманидаги 15-мактабда фаолият юритишади. Анъанавий саволларимизга Дилбар опа жавоб берди.

1. Оила тутумларида ота-бобо, момо ва оналарингизда кўрган қандай анъаналарни маҳкам ушлайсиз ҳамда қай тариқа бойитишга уриналасиз?

2. Маънавиятли, гўзал ҳулиқ-атвор соҳибларининг атрофидагилар, жамоадошлари, хусусан, сизнинг тутумларингизга таъсири хусусидаги кузатишларингиз?

3. Ўғлингиз, қизингизнинг ютуқлари эътиборингиздан четда қолмаслиги, уларни доимий рағбатлантириб боришни қандай таъминлайсиз?

4. Оилангиз жамиятнинг том маънодаги бир бўлаги бўла олиши учун қандай йўл тутаясиз?

ЎҚИТУВЧИ ҚАЙНОНА

албатта, доно бўлиши керак



1. Халқимизда «Етти ўлчаб, бир кес» деган ажойиб нақл бор. Менимча, оиладаги тотувлик, тинчлик, осойишталик, кут-бараканинг асосини эр-хотиннинг сўзу амалларда ана шу нақлга нечоғлик роя қилиши ташкил этади.

Отам Анвар Аҳмедов, қайнотам Иброҳим Зайнутдинов, онам Майрам Аҳмедова, қайнонам Фазила Луқмонова — барчаси бир умр ўқитувчилик касбини улуглаб, эл аро иззат-ҳурмат топишган. Ушбу шарафли йўлдан бориш, фарзандлар қалбида ҳам педагогика соҳасига иштиёқ уйғотиш бизда авлоддан авлодларга ўтиб келаётган ажойиб анъаналардан десам янглишмайман.

Чунки айна кунда оиламиз аъзоларининг 16 нафари устоз-мураббий сифатида фаолият юритишмоқда.

Оилада соғлом муҳит бўлиши хонадон аҳлининг бир-бирини тўғри тушуниши, аиникса, қайнона ва келин муносабатларига боғлиқ. Онам ва қайнонам «Ўқитувчининг оиласи элга ибрат бўлмоғи керак. Муаллима қайнона бўлдимки, у донолик билан келинига бош бўлмаса, уят», дея кўп такрорларди. Ўзим ҳам қайнона бўлиб бу ўғитларнинг маъзини чақа бошладим. Хонадонингизга ўзга оила тарбияси, тутумини кўрган қизнинг келин бўлиб келиши табиий равишда кутилган-кутилмаган ҳолатларни юзга келтириши мумкин. Вазиятни юмшатиб мувоzanатни сақлаб туриш эса кўп жихатдан онага боғлиқ.

Оиламизда қадрлаб келинаётган анъаналардан яна бири — қайнотамнинг ўз устиди ишладан эринмасликка, ҳамиша фақат ўзининг эмас эл манфаатини ҳам кўзлаб иш туттишга ундо-ви барчамизнинг доимий одатларимизга айлангандир.

2. Маҳалламизда Ҳасан ака Жаббаров оиласи истиқомат қилади. У узок йиллар ёшларга таълим-тарбия бериш билан бирга, маҳалла оқсоқоли сифатида ҳам иш олиб борган. «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби. Хозир нафақада бўлишларига қарамасдан маҳалланинг жамоатчилик ишлари, ёшлар тарбиясига дахлдор юмушларга бош-қош, бошқаларга ёрдами тегса хурсанд

бўлади. Фарзандларимга уларнинг оиласини ибрат қилиб кўрсатаман.

Оилада уч нафар (Шаҳинабону, Иброҳимбек, Дийрахон) набиримиз бор. Хар қандай вазиятда ҳам уларнинг тарбияси билан шуғулланишга вақт ажратамиз. Ёшларига мос, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган эртак китоблар, турли хил ўйинчоқлар харид қиламиз. Энг муҳими, оқшомлари набираларимга эртак айтиб беришдан чарчамайман. Уларнинг боғчадан ўрганиб келаётган хар бир ютуғини олқишлаб, хурсанд бўламиз. Тўрт ёшдаги набиримиз Иброҳимбек Давлат мадҳиямизни ёддан айтиб берганида сеvinч ва гурурдан кўзларим ёшланди...

3. Ўғлимиз Баҳриддинжон, қизларимиз Баҳроҳон, Сарвинозхонлар мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, бугунги кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишмоқда. Аиникса, унинг олий ўқув юртини тугатиб, диплом олган кунини биз учун унутилмас сана бўлиб қолган. Биз ҳамиша фарзандларимиз билан фахрланамиз. Бу эса уларга янада каттароқ масъулият юклайди. Боболари, бувилари ўғитларидан хулоса чиқариб, доимо ҳалоллик, поклик йўлидан боришга ишонамиз.

4. Турмуш ўртоғим билан 34 йилдан буён ёшларга таълим-тарбия берамиз. Мамакатимизда мустақиллик йилларида оилага жамиятнинг ахрлмас бир бўғини сифатида жуда катта эътибор бериб келинапти. «Оила йили», «Она ва бола йили», «Соғлом авлод йили», «Баркамол авлод йили», «Мустаҳкам оила йили»... Бу номила-нишларнинг замирида соғлом оила, маънавий ва жисмоний етуқ авлод ўз аксини топган. Шундай экан, оиламиз шу жамиятнинг бир бўлаги экани зим-маамизга катта масъулият юклайди ва оилада, атрофда бўладиган айрим муаммоларга лоқайд бўлмасликка ундайди. Тарбиячи бўлганимиз учун ҳамиша ҳақ сўзни айтишни, атрофдаги айрим камчиликларни тузатишни ҳам ўз бурчимиз деб биламиз. Чунки оила тинч-тотув, маҳалла аҳил бўлса, жамият янада мустаҳкамланади. Давлатимиз гуллаб-яшнайд.

БОЛАЖОН НЕГА БЕЗОВТА?

Оилада фарзанд дунёга келиши, албатта, катта қувончли воқеа. Унинг ширинлигига жилмайиши, жовдираб атрофни кузатиши ҳаммани бирдек ҳаяжонга солади. Худди шунингдек, баъзида чирқиллаб йиғлаши атрофидагиларни, хусусан, ёш онани шошириб, ташвишга қўйиши аниқ. Янги туғилган чақалоқнинг ичакларида санчик туриши унинг соатлаб йиғлашига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда ота-оналарда уйқусизлик, асабийлик кузатилади. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, айрим оналар иккинчи фарзанд кўришни хоҳла-маслиги сабабини айна шу каби муаммолар билан изоҳ-ларкан. Хўш, нега гўдақнинг ичакларида санчик пайдо бўлади? Она тамаки чекса, боласини эмизаётганда бундай санчиклар икки баробар кўпайиши эҳтимоли юқори. Айна пайтда, оиладаги нотинчлик, ота-онанинг руҳий тушқунлиги ҳам норасиданинг безовталигига сабаб бўларкан. Болани бундай кўнгилсизликдан ҳимоя қилиш учун дилбандини кўкрак сuti билан боқаётган оналар овқатланиш ра-ционал газ ҳосил қилувчи айрим маҳсулотлар, яъни карам, узум, ачитқили нон ва ширинликлардан тийилиб тургани маъқул. Шунингдек, ичакларда газ тўпланишининг олдини оладиган махсус дориворлар: зира, арпабодийн,

мойчечак дамламаларидан фойдаланиш керак. Бундай дориворларга шакар қўша кўрманг. Шакар ички «ғалаён»ларни янада ошириши мумкин. Болада санчик турганда қорнини ўзингизга қаратиб, охиштагина орқасига уриб қўйинг. Қоринчасига иссиқ қатқат мато қўйиш, соат миллари йўналишида уқалаш ҳам яхши самара беради.

Бола ҳеч қачон беҳуда чинқириб йиғламайди. Шундай экан, безовталиги сабабини, албатта, ўз вақтида аниқлаш ва чорасини кўриш жоиз. Бунинг учун болалар шифокори ва она яқин дўстдек мулоқотда бўлиб туриши, гўдақнинг табиатини биргаликда «кашф» этиб, унинг соғлом ва дуркун улғайи-ши учун билим, зийраклик билан ҳаракат қилиши керак. Оналарга яна шунини айтмоқчи эдикки, фақат қуйиб-пишиш, туни билан мижжа қоқмай чиқиш айрим пайтларда фарзандингизга керакли ёрдамни кўрсата олмаслиги мумкин. Сизга оналик бахти берилди-ми, буни масъулият дея қабул этиб, хар бир ҳаракатингизни ўзингиз назорат қилинг. Тиникиб ором олишингиз ҳам болангизнинг саломатлигига яхши таъсир этади. Кунингизни режалаштириб, тартиб билан иш тутинг.

Г. БОБОКУЛОВА,
болалар шифокори

Onalar, siz uchun

КЕЛИН ҲАМ ФАРЗАНД

Яқинда бир опам келин тушдири. Ёшлар ўзлари бир-бирига кўнгил қўйишга, катталар маслаҳатлашиб, тўй ҳозирлигига киришишди. Кўпчилик опамга: «Келиннингизни кўрсангиз бўларди...» қабилда гап ҳам қилди. «Элнинг оғзи-га элак тутиб бўлмайди», деганларидек, хар хил миш-мишлар ҳам қулоққа етиб келди. Лекин опам «Ўғлимга шу қиз ёқибди. Тақдир экан. У қизнинг барча хуш фазилатларини камчиликлар билан яхши қўришим керак. Ахир, менинг ҳам қизларим бор. Улар ҳам хар жихатдан тўқис бўлмасликлари мумкин. Беайб — Парвардигор. Яхшиси, мен ўзимни тайёрлайман...» дея ҳеч нарсасга эътибор бермади. «Кизнинг сепи, уй-жойи тайёр бўлса, яна бу киши ниманинг ҳозирлигини кўрар экан...» деб ҳайрон бўлишарди кўн-қўнлилар. Ҳаммаси кейин аён бўлди. Келинчак хонадон оstonасига оёқ қўйиши билан опам пойандозлар тўшаб, кўзлари ёшга тўлганча уни бағрига босиб қарши олди. У чин юракдан, шунчалар салимий гап-рар эдикки, беихтиёр бар-чаннинг киприклари намланди. «Соатлаб тик тур-дингиз, қизим, енгилги-на кийиниб дамингизни олинг. Олдин мана бу-лардан енг. Кузатиб тур-дим, туз тотмадингиз. Атрофингиздагилар ҳамма-си ўзингизники. Уял-манг, келинжон...» дея

парвона бўлишларини кўриб, тўғриси, ҳаяжон-ланиб кетдим. У киши билан суҳбатлашиб ўти-риб ҳаваслана-ҳаваслана уйқуга кетибман. Бир маҳал уйғонсам, опам кўзларига супурги кўча-га отланаяптилар. «Ха, — дедим, — тонг отмасдан қаерга кетаясиз?». «Жим», — деди опам келиннинг хонаси томонга

Voqea

ишора қилиб. — «Агар сөзиб қолишса, жиянинг келинимни «Юмушларни ўзинг қил», дея чиқариб юборди. Кеча тўй билан шўрлик роса чарчаган-дир». У киши астойдил ички бир меҳр билан келинини аярд: «Тезроқ йўлақларни супуриб келай, биров кўриб қолмасин. Келинчак тозалаб қўйибди, дейишса бўлди. Хали келиннинг кўп қиладу бу ишларни...». «Тавба, ўзи кеча кўрган бу кизга бунча меҳрни қандай топапти?» дейман ўз-ўзимга. Ва жавобни опамнинг ўша тўйолди «ҳозирлик»ларидан топ-гандек бўлман. Ҳақиқатан ҳам, қайнона-ке-лин муносабатларидаги сеҳрли ришта кўпчиликнинг оғзига тушди. «Қайноналик бахти билан бирга, келинга нисбатан илоҳий бир муҳаббат ҳам берилар экан инсонга, — дейди, опам бу ҳақда сўз борса. Ҳамма гап — ана

шу илоҳий қудратни май-да-чуйда иллатларга қориштириб, ичингдаги худбинлик, нафснинг қурбонига айлантириб юбормасликда. Доим унинг ўрнига ўзимни, қизларимни қўйиб кўра-ман. Ахир, ўзим ҳам юмушларимни адо этиш-га улғура олаямман-ку? Қизларим ўқишдан чар-чаб келишса, қанчалар жоним ачиб кетади. Бугина ҳам худди шундай жон. Қудағайимга ўзим қизларимни қанчалар севсам келинимни шун-дай ардоқлагувчи она деб қарайман. Келиним билан ўғлимнинг бахти-га худди ўзимдек қўйи-нишига ишонаман...»

Опам ана шундай қай-нона бўлди. Оила тил-симиди яширин яна бир сирни унинг сиймо-сида англагандек эдим. Қайнонага келини билан илк бора учрашувда ато этиладиган илоҳий меҳ-рни ҳамма ана шундай алоҳида ҳозирлик билан қарши олиб, асраб-авай-ласа, оstonаларимизда бахтлар кулаверади. Қайнона-келин ўртасида туғилиши мумкин бўлган муаммоларнинг олди-ўзини қайнона — она бўлишга тайёрлай қи-лиш билан олинса керак, аслида.

Саида НИЗОМОВА,
Учтепа туманидаги
296-мактаб
ўқитувчиси

Саҳифани Ойбуви ОЧИЛОВА тайёрлади.

ҒОЛИБЛАР НАВОИЙДА УЧРАШАДИ

(Давоми.)

Боши 1-бетда.)

«Умид ниҳоллари—2012» ҳудудий саралаш босқичида самарқандлик ва навоийлик ўқувчи қизлар ўртасида кечган мусобақада навоийлик гандболчилар 17:14 ҳисобида ғалаба қозонишди. Баскетболчи қизлар ўртасида ўтган мусобақада ҳам Навоий вилояти вакиллари мезбонларни (76:38) доғда қолдиришди. Волейбол бўйича ўғил ва қиз болалар жамоалари ўртасида ташкиллаштирилган баҳсларда яна навоийлик спортчилар тенгсиз эканини исботлашди.

Самарқанд ва Навоий вилояти ўқувчилари ўртасида ўтган футбол матчида самарқандликлар 1:0 ҳисобида, қўл тўпи бўйича эса (ўғил болалар) 21:17 ҳисобида ғалаба қозонди. Волейбол мусобақасида навоийлик спортчилар рақибларидан устун келишди (3:0).

Айтиш мумкинки, саралаш беллашувларининг икки кунлик натижаларига қўра, ўғил ва қиз болалар жамоалари ўртасида волейбол ҳамда баскетбол бўйича финал босқичи йўлланмасини Навоий вилояти вакиллари қўлга кириштиришди. Қўлтўпи бўйича ҳам навоийлик қизлар якуний босқич йўлланмасига эга бўлишди.

Шу боис, самарқандлик муҳлислар умиди футбол ва қўлтўпи бўйича ўғил болалар баҳсига боғланганди. Самарқанд вилояти ва қашқадарёлик футболчи-ўқувчилар ўртасидаги ўйинда дуранг (2:2) қайд этилган, икки ўйин натижасига қўра, самарқандлик ёш футболчилар якуний босқичда қатнашадиган бўлишди. Қўлтўпи баҳсида ҳам Самарқанд вилояти спортчиларига омад қилиб бокди. Бу ютук уларни «Умид ниҳоллари—2012» финал босқичига олиб чиқди.

Гандбол бўйича қизлар ўртасида ўтказилган Самарқанд ва Қашқадарё вилояти жамоалари баҳсида қашқадарёликлар муҳим ғалабага эришди.

Ҳақим ЖҲРАЕВ



Umid nihollari — 2012

Жиззах шаҳрида ҳудудий саралаш босқичининг навбатдаги мусобақалари Сурхондарё, Сирдарё ҳамда мезбон вилоят жамоалари иштирокида ўтказилди.

Жиззах давлат педагогика институтини спорт залида ўқувчилар волейбол ва баскетбол бўйича, Олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежи спорт мажмуасида эса қўлтўпи бўйича ўзаро куч синашди. Футбол бўйича асосий баҳслар «Сўғдиёна» марказий ўйингоҳида ўтди.

Ғолиблик учун кураш осон кечмади, албатта. Қайси жамоа пухта ҳозирлик қўрган бўлса, ҳал қилувчи баҳсларда ўз мақсадига эришди. Хусусан, баскетболчи ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда Жиззах вилоят терма жамоаси 1-ўринни эгаллади. Баскетболчи қизлар жамоалари ўртасидаги учрашувларда ҳам ғолиблик майдон эгаларига насиб этди.

Ўғил болалар ўртасида бўлиб ўтган волейбол мусобақаларида жиззахликлар яна 1-ўринга сазовор бўлишди. Қизлар баҳсида эса сурхондарёлик ёшларга тенг келадигани топилмади. Қўлтўпи мусобақасида ҳам Сурхондарё спортчилари етакчиликка эришди. Қўлтўпи бўйича қизлар ўртасидаги баҳсларда Сирдарё вилояти терма жамоаси рақибларидан устун келди. Футбол учрашувларида зафар қучган Жиззах ви-

лояти ўқувчилари якуний босқич йўлланмасини нақд қилишди.

Шундай қилиб, «Умид ниҳоллари—2012» спорт мусобақаларининг якуний босқичида Жиззах вилоятидан 4та, Сурхондарё вилоятидан 2та ва Сирдарё вилоятидан 1та жамоа иштирок этиши маълум бўлди.

Абдусаттор
СОДИКОВ

Андижонда ҳам «Умид ниҳоллари—2012» ўйинларининг ҳудудий саралаш босқичи якунланди. Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари жамоалари баскетбол, волейбол, гандбол ва футбол бўйича мусобақалашди.

Саралаш беллашувларининг биринчи кунини фарғоналик ва наманганлик ёш спортчилар ўзаро куч синашди. Эртаси кун эса баскетболчилардан ташқари андижонлик барча жамоалар наманганлик спортчи ёшлар устидан ишончли ютукка эришди.

Учинчи кун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Андижонлик ўқувчилар «Умид ниҳоллари—2012» спорт мусобақалари финал босқичига йўлланма олиш учун аввалига наманганлик футболчиларни 4:1 ҳисобида, сўнгра фарғоналикларни 1:0 ҳисобида енгишди.

Андижонлик гандболчи ўсмирлар фарғоналик тенгдошларини 25:13 ҳисобида мағлуб эттишди. Бу борада андижонлик гандболчи қизлар янада кўпроқ шижоат кўрсатишди ва 24:9 ҳисобида зафар қўчди. Мезбон вилоят шарафини ҳимоя қилган волейболчилар ҳам панд беришмади. Ўғил ва қиз болалардан иборат волейбол жамоалари фарғоналикларни бир хил — 3:0 ҳисобида мағлуб эттишди.

Мезбон вилоят жамоаларининг фақатгина баскетбол борасида омади чопмади. Шундай қилиб, Навоий шаҳрида ўтказиладиган якуний босқичга фарғоналик йигитлар ва наманганлик қизлардан иборат баскетбол жамоалари борадиган бўлди.

Орифжон СИДДИКОВ



МАШЪАЛА ЙўЛГА ЧИҚЯПТИ

Грециялик сузувчи Спирос Янниотис Лондонда ўтказиладиган ёзги Олимпия ўйинлари машъаласини биринчи бўлиб қўлга олиб, стартни бошлаб бериши ҳақида мамлакат Олимпия қўмитаси веб-сайтида хабар берилди.

Қўёш нуридан аланга олдириш маросими 2012 йилнинг 10 май санасида Грециянинг Қадимги Олимпия майдонида ўтказилди. Ўтган йили жаҳон чемпионатида 10 километрлик масофага сузиш бўйича ғолибликни қўлга киритган С.Янниотис алангани ушбу майдонда қўлга олди.

Эстафетанинг Грециядаги босқичи 17 майгача давом этади. Кейин аланга Лондон Олимпия қўмитаси вакилларига ўтказилди. Уларга машъалани хитойлик машҳур гимнастикачи Ли Нин топширади. Шунингдек, машъалачи спортчилар орасида уч карра олимпия ўйинлари чемпиони Пиррос Димас ҳам бор.

Машъала эстафетасига 27 июлда якун ясалди.

АФЕЛПАЙ ФУТБОЛГА ҚАЙТДИ

Испаниянинг «Барселона» клуби ўйинчиси голландиялик Иброҳим Афеллай олти ойлик танаффусдан сўнг яна футболга қайтди. У ўтган йилнинг 22 сентябрда машғулот пайтида жароҳат олиб, узок муддатга сафдан чиққанди.

Тиззаси лат еган Иброҳим март ойида тиббий кўриқдан ўта олмай, яна даволаниш учун юборилганди. Бу сафарги тиббий текширувлар унинг бутунлай соғайганини тасдиқлади.

Шу боис иқтидорли ёш футболчи асосий таркиб сафиди илк жиддий машғулотларда қатнашишга мўъаффақ бўлди. Мураббийлар штабининг айтишича, бугун у Испания чемпионати 33-тур доирасидан ўрин олган «Леванте» ва «Барселона» қарама-қаршиликда майдонга ҳам туширилиши мумкин. Шунингдек, «Барселона»нинг яна бир жароҳат олган аъзоси Давид Вилья ҳам якун кўнларда асосий таркибга қайтиши кутилмоқда.

КАРОЛИН ФРАНЦУЗЛАР ҚУРШОВИДА

Дания пойтахти Копенгаген шаҳрида ўтказилаётган WTA (Хотин-қизлар теннис ассоциацияси) таснифига кирилган нуфузли халқаро турнирда маҳаллий теннисчи Каролин Возняцки чорак финал йўлланмаси учун кортга тушди.

Умумий ютук жағғармаси 220 минг долларни ташкил этувчи биринчиликда Оденсе шаҳрида таваллуд топган машҳур ракеткачи Каролин французлик рақибаси Полин Парментени икки сет натижасига қўра 6:2, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Муросис қурашларга бой бўлган матч 1 соат 7 дақиқа давом этди. Полин дастлабки турда россиялик таниқли теннисчи Анна Чакветадзени мағлубиятга учратганди.

Энг қизиқ, Каролин Возняцки чорак финалда ҳам яна бир французлик теннисчи Ализе Корнега рўбарў келди.

ШАМОПЛАШ ХАЛАП БЕРМАДИ

Биатлон бўйича Камчаткада ўтказилган халқаро хотира турнирида шведиялик Бьорн Ферри барча рақибларини ортда қолдириб, марра чизигини 26 дақиқаю 10 сония ичида кесиб ўтди.

Иккинчи ўрин норвегиялик машҳур биатлончи Ларс Бергерга насиб этди. У ғолиб спортчидан атиги 15,1 сония кечикиб, кумуш медаль билан чекланадиган бўлди. Учинчи ўрин эса Карл-Юхан Бергманга тортиқ этилди. У белгиланган масофани 26 дақиқаю 35,9 сонияда босиб ўтди.

— Ишонч билан айтманки, бу ютук жорий мавсумдаги энг қимматлиси бўлди, — деди Ферри. — Гарчи бироз шамоллаган бўлсам-да, ғалаба қозона олганимдан жуда хурсандман. Бугун менга об-хаво тўқунлиги қилимади.

Умумтаълим мактаб ўқувчилари учун дарсликларни қайта наشر этиш юзасидан тендер савдоларига таклифлар бериш муддатини узайтириш тўғрисида эълон

Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 31 мартдаги «Ma'rifat» газетасининг 26(8467)-сонида эълон қилинган 2012—2013 ўқув йилига умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни қайта наشر этиш юзасидан тендер савдоларига таклифлар бериш муддати 2012 йил 30 апрель соат 14:00гача узайтирилди.

Тендер таклифлари 2012 йил 30 апрель кунини соат 15:00да Республика таълим марказида (манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 174-уй) барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

МАТБУОТ МАРКАЗИ ХИЗМАТГА ШАЙ

Хабарингиз бор, «Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақаларининг финал босқичи Навоий шаҳрида бўлиб ўтди. Бешинчи маротаба ўтказилаётган катта спорт байрамига Навоий шаҳрида пухта ҳозирлик қўрилмоқда. Яқиндагина улкан қурлиш майдони тусини олган Умид қўргони кун сайин ўзгача чиroy очаётгани, гўзал спорт мажмуасига айланаётгани аниқ ҳақиқатдир. Янгидан барпо этилган спорт иншоотларида сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Катта спорт байрамига қўрилаётган тайёргарлик ишларини ОАВ орқали мамлакатимиз ахлига етказиш соҳа ходимлари зиммасига масъулият юклайди. Кунини кеча Навоий спорт коллежи биносида жойлашган «Умид ниҳоллари—2012» спорт мусобақаларини ўтказиш марказий штабининг

катта мажлислар залида тайёргарлик жараёнларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёриштиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда республика нашрлари ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Ахборот», «Давр», «Хабарлар» информацион

дастурлари вилоят муҳбирлари, вилоят босма нашрларининг бош муҳаррирлари иштирок этиб, мусобақага тайёргарлик жараёнларини атрофликка ёритиб бориш масалалари бўйича ўзаро фикр алмашди. Йиғилишда бу борада амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар белгиланган бўлди.

Шундан сўнг журналистлар «Умид ниҳоллари—2012» спорт мусобақаларининг матбуот маркази, бу ерда журналистлар учун яратилган шароитлар билан танишди. Жумладан, компьютерларнинг интернетга улангани, алоқа хизматининг самарали йўлга қўйилгани, журналистлар учун керакли

маълумотлар базаси шакллантирилгани, «Умид ниҳоллари—2012» спорт мусобақаларининг расмий веб-сайти ишга тушганидан ОАВ ходимлари хабардор бўлди.

Журналистлар мусобақалар ўтказиладиган иншоотлар билан яқиндан танишиш мақсадида шаҳар бўйлаб саёҳатга чиқиди. Жойлардаги тайёргарлик ишлари, жумладан, барча спорт иншоотларида ОАВ ходимлари учун ажратилган махсус хоналар ва яратилган шарт-шароитларга гувоҳ бўлдилар.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
Халқ таълими
вазирлиги
Ахборот хизмати
бошлиғи

«Sharq» nashriёт-матбаа
компанияси жамоаси Сизларга
ЭНГ ЭЗГУ типаклар йўллайди.
Хурматли устозлар!
Халқ таълими
вазирлиги ташаббуси
билан ўқитувчилар
учун *Ona tili* (6-sinf),
Fizika (6-sinf), *Kimyo*
(7-sinf) методик қўлланмалари чоп этилди.
Ушбу китобларни жойлардаги «Шарқ зиёкори»
китоблар дўконидан харид қилишингиз мумкин.

Ma'rifat**TA'SIS
ETUVCHILAR:**

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Akmal
ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-
на"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-418.
Tiraji 49949.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib boshish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taq-
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA,

Liliya BINASHEVA,

Navbatchi muharrir:

Dilshod KARIMOV.

Navbatchi: Sherati NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Turo» ko'chasi, 41-uy

Yil ijumi — 21.00

Topshirildi — 21.45